

1930 йил
12 майдан
чиқа
бошлаган



Полиция

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИБ НАШРИ

№ 10 — 12 (3240—3242)

1999 йил 29 январь, жума

Баҳоси эркин нарҳда

ИИБ ҲАЙЪАТИ МАЖЛИСИДА

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ҳайъатининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда ички ишлар идораларининг 1998 йилдаги оператив хизмат фаолияти яқунлари ва жиноятчиликка қарши кураш, жамоат тартиби ҳамда фуқаролар хавфсизлигини сақлашни кучайтириш вазифалари ҳақидаги масала кўрилди.

Мажлисни республика Ички ишлар вазири, ички хизмат генерал-полковниги З. Алматов олиб борди. Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари, милиция генерал-майори Б. Матлюбов муҳокама қилинган масала бўйича маъруза қилди.

Ҳайъат мажлисига Ички ишлар вазирлиги марказий аппарати, вилоятлар ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ, мустақил бошқарма ҳамда бўлимлар, ўқув юртлари, ички қўшинлар, жазони ижро этиш бош бошқармаси ва бошқа хизматлар раҳбарлари таклиф этилди.

Ҳайъат мажлисида республика Президенти Девони ва Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходимлари иштирок этдилар.

Ўз мухбиримиз.

Бош муҳаррир минбари

ТАШАББУСКОР КИШИЛАР ДАВРИ

Муштарийларимизнинг катта ёшдагилари бой ва унинг икки қароли ҳақидаги эски ривоятни эсласалар керак. Икки қаролни ишлатган бой бирига 100 танга, иккинчисига 10 танга хизмат ҳақи бераркан. Кам ҳақ олган қарол ажабланиб:

— Бой ота, Қаримжон билан бир хил юмушни бажарамиз. Бироқ сиз унга мендан ўн баравар кўп ҳақ тўлайсиз? — дебди.

— Эҳ, Тошмат, Тошмат, — дебди бой бошини сарак-сарак қилиб, — наҳотки бунга тушунмадинг?

— Йўқ, бой ота тушунмадим.

— Бўлмаса юр ташқари чиқамиз. Кўряпсанми, арава кетяпти. Бил-чи қаерга борапти экан.

Тошмат арава ортидан югуриб бориб, келди-да:

— Бозорга кетаётган экан, бой ота, — деди.

— Бозорга нима олиб кетяпти?

Тошмат ҳозир билиб келаман дея яна чопиб кетди ва қайтиб келиб:

— Кўзалар ва лаганлар олиб кетяпти, — деди.

— Араваҳақ уларни неча пулдан сотмоқчи экан? — сўрабди яна бой.

Бу ва бойнинг бошқа ўнга яқин саволларига жавоб бериш учун Тошмат ҳар гал арава ортидан югуриб бориб келишига тўғри келди. Арава эса тобора узоқлашиб борарди. Тошмат бўзчининг моқсидайд қатнайвериш ҳолдан тойди.

Бой Қаримжонни чақириб:

— Қаримжон, йўлда кетаётган аравани кўряпсанми, қаерга бораётганини билиб кел-чи, — деди.

Бироз вақт ўтиб Қаримжон қайтиб келди ва бойга арава-нинг қаерга кетаётгани, араваҳақнинг қимлиги, нима олиб кетаётгани, қанчадан сотиши ва бошқа бир неча маълумотларни айтиб берди. Шунда бой Тошматга қараб:

— Қалай, Тошмат, Қаримжонга нима учун сендан кўпроқ ҳақ тўлаётганимни энди тушундингми, — дебди.

Ҳозирги кунда Тошматга ўхшаб ишнинг кўзини билмайдиган, ишда ижодий ташаббуслар кўрсатмай, каттароқ маош-ни кўзлайдиган кишилар кам эмас. Албатта, уларнинг инти-лишларини тушуниш мумкин. Бироқ бир нарсани тушуниб бўлмайди: нима учун улар ўз касб маҳоратини оширишга ин-тилмайдиган, жамоадаги яхши хизмат қилаётганлар қаторидан ўрин олишга, юқори малакали мутахассис бўлишга ҳаракат қилмайди.

Кейинги йилларда биз кишиларнинг дунёқарашини ўзгар-тириш ҳақида кўп гапиряпмиз. Бу борада мамлакатимизда катта ишлар амалга ошириляпти. Бироқ, айрим кишилар ўтмиш қол-диқларидан, боқимандалик кайфиятидан қутулолмаяптилар.

Давлатимиз раҳбари тоталитар тузумдан қолган бу сарқит-ларнинг олға боришимизга тўсқинлик қилаётгани, ривожимизга катта зарар етказётганини бир неча марта таъкидлаб ўтди.

Шунинг учун, кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурни оғишмай амалга ошириш, кишиларнинг онгини, дунёқарашини ўстириш, ёш авлодни замонавий талаблар асосида тар-биялаш муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Бу йўналишдаги фао-лият фуқароларнинг онгида демократик бойликларнинг шакл-ланиши, жамиятда инсоннинг ўз ўрнини белгилаб олишига ёрдам беради.

Бугунги кун — ташаббускор кишилар даври. Биз ёш ав-лодни, кадрларни айнан ана шу тарзда тарбиялашимиз ке-рак. Чунки, келажаги буюк давлат — Ўзбекистоннинг келгуси асрда гуллаб яшнаши, камол топишида барча масъулият ва оғирликларни зиммасига оладиганлар ана шу кадрлар, ёш авлодимиздир.

Харакат хавфсизлиги ойлиги давом этмокда

ДАСТЛАБКИ ҲАФТА ЯКУНЛАРИ



Ойлик бошлангандан бери ДАН ЙПХ ходимлари томонидан 80 мингдан ортиқ турли хилдаги қоидабузарликлар аниқланди. Шулардан тенг ярми кўпол тартиббузарликлардир. Қарийб бир ярим минг ҳайдовчи маст ҳолда рулга ўтирган. Автоҳўжаликлар, корхоналар, маҳаллалар ва мактабларда беш мингдан ортиқ профилактик ишлар ўтказилди. Бу борада Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида нисбатан фаол ишлар олиб бориляпти.

Биринчи ҳафтада:

- 183 та йўл-транспорт ҳодисаси рўй берган;
- Йўллардаги автоҳалокатларда 23 киши ҳалок бўлди;
- 189 киши жароҳат олди;
- Ҳалокат бир ёш боланинг ҳаётига зомин бўлди.

Соатиға 100-150 км. тезликда кетаётган ҳайдовчи соатиға 5 ва ундан ҳам кам тезликда кетаётганлар борлигини унутмасликлари даркор. Ва аксинча.



Кутлов

ҚИЁМАТЛИ ДЎСТИМ



9

БУ КИЧИК ЖАСОРАТ ЭМАС

ёки ёнилги қуйиш шохобчасида
граната портлатмоқчи бўлишди...

ҚОИДАГА АМАЛ
ҚИЛСАК БАС, ЛЕКИН...
10
Ҳодиса



11

MUNAJJIMLAR BASHORATI

КРОССВОРД

ОЙНАЙ ЖАҲОН

1 TV 2 TV 3 TV 4 TV 5 TV 6 TV 7 TV 8 TV 9 TV 10 TV 11 TV 12 TV 13 TV 14 TV 15 TV 16 TV 17 TV 18 TV 19 TV 20 TV 21 TV 22 TV 23 TV 24 TV 25 TV 26 TV 27 TV 28 TV 29 TV 30 TV 31 TV 32 TV 33 TV 34 TV 35 TV 36 TV 37 TV 38 TV 39 TV 40 TV 41 TV 42 TV 43 TV 44 TV 45 TV 46 TV 47 TV 48 TV 49 TV 50 TV 51 TV 52 TV 53 TV 54 TV 55 TV 56 TV 57 TV 58 TV 59 TV 60 TV 61 TV 62 TV 63 TV 64 TV 65 TV 66 TV 67 TV 68 TV 69 TV 70 TV 71 TV 72 TV 73 TV 74 TV 75 TV 76 TV 77 TV 78 TV 79 TV 80 TV 81 TV 82 TV 83 TV 84 TV 85 TV 86 TV 87 TV 88 TV 89 TV 90 TV 91 TV 92 TV 93 TV 94 TV 95 TV 96 TV 97 TV 98 TV 99 TV 100 TV

КИМЛИГИНИ КИМ БИЛАДИ?



Андижон шаҳрида жиноят содир этиб, қўлга олинган, Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси томонидан эҳтиёт чораси сифатида қамоқда сақланаётган айбланувчи Рустам Сафаевич САФЕРСАЕВга нисбатан қўзғатилган жиноят иши бўйича тергов олиб борилмоқда.

Тергов давомида Р. Са-

ферсаев ўзини Тошкент вилояти Бекобод шаҳри, 13-кичик-туман, 9а-уй, 34-хонадонда туғилиб, истиқомат қилганлигини билдирган. Бироқ тергов жараёнида текшириб кўрилганда юқорида кўрсатиб ўтилган манзилда Рустам Саферсаев исмли 1983 йилда туғилган бошқа шахс яшашлиги маълум бўлди. Айбланувчи Р.

Саферсаевнинг шахсини тасдиқловчи бирорта ҳужжат ва маълумот олишнинг эса иложи бўлмади.

Шу боис, ушбу суратдаги шахсни таниган, ҳақиқий исм-шарифини биледиган фуқаролардан бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасига 133-16-53 рақамли телефон орқали ёки Андижон вилояти Ички ишлар бошқармасига хабар қилишларини сўраймиз.

ХИЗМАТ ТАЙЁРГАРЛИГИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ УЧУН

— Хизмат ва жанговар тайёргарликнинг даражаси ички ишлар идоралари ходимларининг касб сифатини баҳолашнинг асосий мезонидир. — Бу қондан биз асос қилиб олганмиз, — деди ИИБ ШТБХ бўлим бошлиғи, милиция подполковниги Б. Буксинбоев, — бунга сўзда ҳам, ишда ҳам амал қиламиз.

Бу борада республика ИИБ марказий аппаратида ташкил этилган машғулотлар ибратлидир. Бу ерда бошқармалар, мустақил бўлимлар раҳбарларига тажриба алмашиш, улар раҳбарлигидаги хизматлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик қилишга имкон беради. Барча ўқув материаллари қонунчиликда, меъёрий ҳужжатларда, фойдаланилаётган техникалар ишини такомиллаштиришни ўзгартиришни ҳисобга олган ҳолда берилади.

Касб тайёргарлигини ўташда ходимлар қўл жанги, отиш, умумжисмоний жиҳатдан тобланиш каби лозим.

Шунинг учун, дастлабки тайёргарликдан ўтмаган ходимлар учун машғулотлар ташкил этилади. Улар дастлабки машғулотлардаёқ отиш қуролларининг нозик томонларини тездан ўзлаштириб оладилар.

Бу борада вилоятлар ва туманлар ИИБларида ҳам зарур ишлар амалга оширилмоқда.

Албатта, бу ишдаги муваффақиятлар раҳбарларнинг ташкилотчилигига кўпроқ боғлиқ бўлади. Аниқ режалар асосида хизмат тайёргарлиги мунтазам равишда олиб борилаётган, тадбирларни ўтказишда назорат кучайтирилган, яхши ишлар рағбатлантирилиб, камчиликлар ўз вақтида аниқланиб, бартараф этилаётган жойларда натижалар яққол кўриняпти.

Жорий йилда машғулотларнинг сифатини оширишга асосий эътибор берилади. Республика ички ишлар идоралари ходимларининг хизмат ва жанговар тайёргарлигини ошириш борасидаги дастурга мувофиқ олиб бориладиган ишлар самарадорлигини ошириш барча ҳаракатларнинг мақсадидир.

Ўз мухбиримиз.

Тошкент туманидаги Гийс Умаров номи жамоа ҳужалиги бошқаруви эллик кишига янги нусхадаги паспорт олиш учун маблағ ажратди.

— Буни ҳиммат деса бўлади, — деди туман ИИБ паспорт бўлимаси бошлиғи вазифасини бажарувчи, милиция майори Эркин Серкабоев ходимларга. — Шундай жамоалар ташаббуси туфайли кам таъминланган оилалар ҳам паспорт билан таъминланаёпти.

Шу суҳбат бўлиб ўтганига ҳеч қанча вақт ўтмай «Нуриддин қори» хусусий фирмаси ўн уч киши, Ҳасанбой жамоа ҳужалиги эллик кишига моддий ёрдам курсатди. Паспорт бўлимаси ходимларининг савий-ҳаракати, қишлоқ фуқаролар йиғинлари ва юқоридагига ухшаш жамоаларнинг кўмаги туфайли туманда аҳолини паспорт билан таъминлашда самарали натижалар кўлга киритилаёпти. Масалан, 1997 йил 17004 кишига паспорт берилди. Ўтган йил бу курсаткич 13400тани ташкил этди.

Жорий йилда ўн минг киши миллий паспортга эга бўлиши кўзланмоқда. Бу вазифа Мустақиллик байрамигача удаланади. Зеро, бўлинма катта нозир, мили-



«Ҳосил-99»

МАСЪУЛИЯТНИ УНУТМАНГ, ТРАКТОРЧИЛАР!

Ҳозирда галла экилган майдонларда униб чиққан майсаларнинг нест-нобуд бўлишига йўл қўймаслик жуда муҳимдир. Буни яхши билган дала қоровуллари ва ички ишлар идораларининг ходимлари ўзларига бириктирилган ҳудудларни ҳушёрлик билан назорат қилишяпти.

Шуниси ачинарлики, қўй-қўзи, от, қорамоллар билан бир қаторда майсалар тракторларда пайҳон қилиниши ҳоллари ҳам қайд этилмоқда. Масалан, Косонсой туманидаги Ширин қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи Маҳмуд Айибхоновни олиб кўрайлик. Ёши ўттизларга яқинлашиб қолган бу фуқаро Намуна жамоа ҳужалиги 1-бригадасидаги 0,02 гектар майдондаги галлазорни, «МТЗ-80» русумли тракторида босиб ўтган. Челак тумани Бургут жамоа ҳужа-

Миллий паспортимиз — гуруримиз

ҲИММАТЛИЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

ция майори Тулқин Ҳосилов, Келес шаҳри паспорт столи бошлиғи, милиция капитани Турдиқул Пармонов, катта паспортчи Эътибор Азимова, паспортчи Заҳро Қодирова ва бошқа ходимларнинг диққат-эътибори, кучгайрати ана шунга қаратилган.

Айни пайтда тумандаги 63165 киши миллий паспорт олишга муваффақ бўлди. Бунда паспорт бўлимасига яқиндан ёрдам бериб келаётган жамоалар орасида Чувалачи қишлоқ фуқаролар йиғини ҳақида алоҳида таъкидлаш жоиз. Фуқаролар йиғини раиси Зиёд Тожибоев, Зариф Ёқубов ва Қайюм Ҳасановлар участка вакили, маҳалла оқсоқоллари билан ҳамкорликда деярли ҳар бир хонадонда тушунтириш ишлари олиб боришяпти. Қишлоқ фуқаролар йиғини биносига суратчи таклиф этилиб, одамларни шу ернинг ўзида оммавий равишда суратга тушириш ва паспорт топшириш

йўлга қўйилгани ўз самарасини бермоқда. Ҳозирда аҳолининг асосий қисми паспорт билан таъминланди.

Шунга ухшаш Масалбой, Юнусобод, Ҳасанбой қишлоқ фуқаролар йиғинларининг котиблари Гайрат Йўлчиев, Ушо Турлибеков, Наима Ҳайитбоевалар ҳам аҳолига паспорт бериш вазифасига масъулият билан ёндошишяпти.

— Замонавий бинода етарли шароит яратилгани иш унумининг ортиб боришига сабаб бўлмоқда, — дейди Заҳро Қодирова. — Хоналарни мебеллар билан таъминлашга «Қалдирғоч» хусусий фирмаси яқиндан ёрдам берди. Ҳозирда барча жараёнлар компьютер ёрдамида амалга оширилаяпти. Ўз муддатида ва сифатли расмийлаштириб берилган бебаҳо ҳужжатни қўлига олган фуқаро миллий паспортимиздан фахрланганини кўриб, бундан беихтиёр гурурланиб кўямиз.

Кейинги пайтда мустақил юртимиз паспортчи ҳақида кўп илиқ гаплар эшитаяпмиз. Айниқса, хорижий юрталарга бориб келаётган фуқароларимиз унинг афзалликларини чуқур хис этишяпти.

— Шу кунгача ҳануз паспортини алмаштирмаганлар асосан аҳолининг кам таъминланган қисми, десам янглишмайман, — деди Эркин ака биз билан

суҳбатда. — Шунини эътиборга олиб, туман ҳокимлигига ҳужалик ва корхоналар томонидан фуқароларга имкони борича моддий ёрдам кўрсатилишини сўраб, таклиф киритдик. Бу таклиф жамоалар томонидан албатта қўллаб-қувватланади, деб умид қиламан. Бизнинг асосий мақсадимиз паспорт бериш билан бирга туман ҳудудида рўйхатдан ўтмай, ноқонуний яшаётган одамларни аниқлаб, чора кўриш ҳамдир. Туманимиз Қозғистон Республикаси билан чегарадош бўлгани учун бу борада муайян қийинчиликларга дуч келаяпмиз. Шунини эътиборга олиб,

туман ички ишлар бўлими хизматлари билан ҳамкорликда «Паспорт» ва «Фуқаро» тадбирлари ўтказишни йўлга қўйдик.

Саъдулла ШОДИЕВ.
Суратларда: милиция майори Эркин Серкабоев ва Масалбой қишлоқ фуқаролар йиғини котиби Гайрат Йўлчиев навбатдаги вазифалар хусусида суҳбатлашишмоқда; катта паспортчи Эътибор Азимова фуқарога миллий паспорт топширмоқда; паспортчи Заҳро Қодирова иш устида.

Аҳмаджон САПАРМАТОВ олган суратлар.



лигида истиқомат қилувчи Собир Ўриновнинг масъулиятсизлиги ундан қолишмайди. У «Беларусь» русумли тракторида шу жамоа ҳужалигидаги 0,01 гектар бугдойзорни пайҳон қилиб, ҳужаликка 4274 сўм миқдорда зарар етказган. Нишон туманидан Жуманазар Мирзаев эса ўзи механизатор бўлиб ишлашига қарамай, 2 бош қорамоли 0,03 гектар галла экилган майдонни пайҳон қилишига йўл қўйган. Бу қонунбузарларнинг ҳар бирига туман судлари томонидан 1100 сўм миқдорда жарима солинган.

Шу ўринда ўйлаб қолсан, киши. Уйинқароқлик қилиб, моллари экинзорга тушишига йўл қўяётган болаларни қўятурайлик. Ўзлари уззукун далада тер тукиб, тракторда экинларга ишлов берувчи, меҳнат машаққатини татиб кўрган, қолаверса тушунган, ақлли, фаросатли кишилар тракторни галлазор орқали олиб ўтса ёки тўғридан тўғри майсаларни пайҳонлаб кетса дардингни кимга айтишингни билмай қоларкансан. Ахир бугунги майса эртага дон бўлади, дон эса нонга айланиб, дастурхонимизга қўт-барақа бахш этмайdimи? Тракторчиларимиз шу ҳақда жиддий ўйлаб кўришлари зарур деб ўйлаймиз.

Ўз мухбиримиз.

МАЪНАВИЯТ — ПМОН ДЕМАКДИР

Республика Ички ишлар вазирлиги шахсий таркиби билан ўтказилган навбатдаги маърифат дарси «Маънавият-демократик жамиятнинг негизи» мавзусига бағишланди. Дарс-ўрашув меҳмони «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг Бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев ўзининг ажойиб маърузаси билан йиғилганларда катта таассурот қолдирди ва кўпларни қизиқтиривчи «Маънавият нима?» деган саволга ҳар томонлама, батафсил жавоб берди. Сермазмун ўтган ўрашув охирида мухлислар А. Мелибоевга миннатдорчилик билдириб, эсдалик сўгалари топширдилар.

Ўз мухбиримиз.

Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги давом этмоқда

ТЕЗ ЭМАС,
ТИНЧ ЮРИШ КЕРАК

Бир киши от чоптириб кетаётди, йул четида бо- раётган чолдан:

— Отахон, шаҳар мар- казига шу йулдан борсам бўладими?, — деб сураб- ди.

— Ҳа, фақат секин юр- сангиз етиб борасиз, — деб жавоб берибди ота- хон.

«Ақли жойидами бу одамни, — кунгидан ўт- казибди отлик, — секин юрсам бугун етиб борар эканманми?». Шундай деб ўйлабди-да, отига яна қамчи уриб чоптириб кетибди. Отахон эса от- лиқнинг ортидан бош чайқаб қолибди.

Кун ботарга яқин ота- хон йулда бояги отлиқни кўрибди. Қараса, отлик йул четида ётган оти те- пасида хомуш турган- миш. Маълум бўлишича, отлиқнинг оти қоқилиб оёғи синган экан.

Негадир ҳар сафар белгиланган тезликни ошириб йўлларда ҳара-

катланиш қоидаларини буз- ган ҳайдовчилар билан дуч келганимда шу ҳикоят ёдимга тушади. Шу қоида- бузарлик оқибатида йўл- транспорт ҳодисасини со- дир этганларни куриб эса отини шошириб оёғи си- нишига сабабчи булган от- лик кўз ўнгимда гавдала- наверади.

Тошкент шаҳрининг Ша- роф Рашидов кўчасида ҳайдовчиларнинг белгилан- ган тезликка қандай риоя этишлари «Барер-2» тезлик ўлчагичи билан махсус рейд ўтказиб текширилди.

— Тезлик ошиб кетгани- ни билмай қолибман, шо- шаётган эдим, — дейди «Нексия» русумли 10 Д 17- 50 давлат рақамли автома-

шина ҳайдовчиси, иқтисод университетининг талаба- си Мирзабек Набиев.

Туғри, кундалик ҳаёти- мизда доимо шошиб юра- миз. Илоҳи борича ҳамма ишни битиришга ҳаракат қиламиз. Шошқалоқлиги- миз натижасида уйда ёки ишхонада керакли нимани- дир унутиб қолдираемиз. Нимадир ёдимиздан чиқа- ди. Бундай ҳолларни кўп- чилик кулиб эслайди. Ле- кин серташвиш бу ҳаёти- мизда шошқалоқлик келти- радиган фалокат ҳам йўқ эмас. Айниқса автомаши- наларни бошқаришда.

Шошган ҳайдовчи авва- ло белгиланган тезликни оширади, светофорнинг қизил чироғига бўйсун-

майди. Шошқалоқлик оқи- батаида эса кўпчилик ҳайдовчилар тўхташ тизи- мни ишлатишни, автома- шинани уннга ёки чапга бу- ришни, ўзи ва ўзгаларга со- линаётган хавфни барта- раф этишни унутиб қўяди. Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, йўлдаги вазиятни баҳолашга улгурмайди.

Баъзан ҳайдовчилар- нинг, тезликни чеклаш ке- рак эмас, автомашина мо- ториға оғирлик тушади, де- ган норозиликларини эши- тамиз. Қайсидир томондан улар ҳам ҳақдорлар, лекин «Йулларда ҳаракатланиш қоидалари»нинг ҳар бир банди чуқур таҳлиллар асо- сида ёзилганлигини унут- маслик лозим. Ҳозирда амалда булган аҳоли яшаш

жойидаги автомашиналар- нинг ҳаракат тезлиги бе- корга соатиға 70 километр этиб белгиланмаган. Бун- да транспорт воситасини- нг оғирлиги ва тўхташ ти- зими кескин ишлатилгани- да гилдирақлар сирганиши ҳисоблаб чиқилган.

ДАН ходимининг урин- ли танбеҳиға айрим ҳайдовчилар, озгина тез- лик ошганиға шунча гап- ми, деб норозилик билдир- дилар. Бу хил гапларни эшитиб ҳар қандай ДАН хо- дими хафа бўлиши тайин. Негаки, шу «арзимаган» ошган тезлик бир ёки бир неча инсоннинг бир умрга майиб ва мажрўх бўлиши- га, энг ачинарлиси бола- лар етим, аёллар бева, ота- оналар фарзанд доғини кў- ришиға сабаб булади.

Албатта, ҳеч бир ҳайдовчи остона хатлаб кучаға чиқар экан, бугун бировни уриб кетай, ма- йиб қилай, демайди. Ак- синча худодан йуlining бехатар бўлишини су- раб сафарға чиқади. Лекин юқорида ай- тиб ўтилган ҳодисаларни- нг содир этилишида бевосита ҳайдовчиларни- нг айби бор. Аниқроқ айтадиган бўлсак ўтган йили 7 минг 991 та йул- транспорт ҳодисаси ҳайдовчилар айби нати- жасида булган.

Соатиға 100-150 кило- метр тезликда юриди- ган автомашина ҳайдов- чиси бир соатда 5 ёки он- дан ҳам кам ҳаракатлана- диган бошқа йул ҳарака- ти иштирокчилари борли- гини унутмаслиги керак.

Исроилхўжа
САЙДИКАРИМОВ,
ИИВ ДАНБ
тарғибот бўлими
инспектори, милиция
катта лейтенанти.

ҲАММА РИОЯ
ЭТИШИ ШАРТ

Туманимиз шаҳарнинг энг гавжум ҳудудида жойлашган. Серқатнов кўчаларни доимий ра- вишда назорат қилиб ту- риш талаб этилади. Сир эмас, йўл-транспорт ҳо- дисаларининг аксарияти пиёдаларнинг айби билан содир бўлади. Тумани- миздаги пойтахтнинг энг йирик «Эски жўва» бозо- ри, катта-катта савдо рас- талари доимо одамлар билан тирбанд. Албатта бу савдо расталарига олиб борадиган йўллар- да эса тез-тез йўл ҳара- кати муаммолари туғила- ди.

Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги бошланиши билан биз ДАН ходимларининг хизматга бўлган масъу- лиятимиз янада ошди. Биз биринчи галда пиё- далар томонидан, айниқ- са, болалар иштирокида- ги йўл-транспорт ҳодиса- ларининг қамайишига, олдини олишга эътибор

беришимиз лозим. Шуни инобатга олиб, ишни ма- ҳаллалар, мактаблар ва бо- лалар боғчаларида йўл ҳа- ракати қоидалари бораси- да суҳбатлар уюштириш- дан бошладик. Албатта, маҳалла аҳлининг ҳамма- сини йиғиб, суҳбат ўтказиш қийин. Шунинг учун дам олиш кунлари, кишилар ишдан бўш вақтларини мўлжаллаб, маҳалла фаол- лари иштирокида фуқаро- лар билан учрашувлар таш- кил этилди. Мактабларда олиб борилаётган тарғибот ишларимиз ўз самарасини берапти. Бу йил, аниқроғи ҳаракат хавфсизлиги ойли- ги бошлангандан бери бо- лалар ўртасида йўл-тран- спорт ҳодисаларининг со- дир бўлиши қайд этилма- ди. Бунда мактаб жомао- си, муаллимларнинг хизма- ти ҳам катта. Туманимиз- даги 169, 13 ва 254-мак- табларда йўлларда ҳара- катланиш қоидаларини ўр- гатишга катта эътибор бе-

риляпти. Кўргазмали таш- виқотлар билан жиҳозлан- ган бурчакларда болалар- нинг йўлларда, кўчаларда юрганда нималарга эъти- бор беришлари мисоллар билан кўрсатиб қўйилган.

Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги бошланиши билан туман ИИБ раҳбарияти бу ишга бошқа хизматларни- нг ходимларини ҳам жалб этди. Воёга етмаганлар билан ишлаш, жиноятнинг ол- дини олиш, жомаот тарти- бини сақлаш хизматлари- нинг ходимлари биз билан бирга аҳоли ўртасида фаол ишлар олиб боришяпти.

Йўл-транспорт ҳодиса- ларининг содир бўлишида маълум даражада ҳайдов- чиларнинг ҳам айби бор, албатта. Ходимларимиз ту- мандаги автокорхоналарда бўлиб, ҳайдовчилар билан суҳбатлар ўтказиб, ҳара- катланиш давомида дуч ке- линаётган муаммоларни ўрганиб, уларни бартараф этиш тадбирларини белги- лаб, тегишли идораларға маълум қилмоқдалар. Ай- рим автокорхоналарда иқ- тисодий қийинчиликларни рўқач қилиб, йўлларда ҳа- ракатланиш учун тўла жа- воб бермайдиган, нуқсон-

лари бўлган автомашина- ларни ҳам ишга чиқариб юборадилар. Шуни ҳисоб- га олиб катта техник но- зир, милиция капитани Ш. Ҳамроев бошчилигидаги гуруҳ автокорхоналарида тез-тез бўлиб, йўлга чи- қаётган автомашиналарни- нг ҳолатини текширувдан ўтказмоқдалар.

Энг гавжум, серқатнов чорраҳаларда кўнгилли дружиначиларнинг ишти- рокини ҳам йўлга қўйган- миз. Йўл-патруль хизмати ходимларига кўнгиллилар пиёдалар ҳаракатини куза- тиб туришда кўмак бе- ришяпти. Бу борада бизга доимий равишда ёрдам бе- раётган туман муҳофааға кўмаклашувчи «Ватанпар- вар» жамияти, 223-авто- корхонани тилга олиш мум- кин.

Йўлларда ҳаракатланиш қоидаларига аввало фуқаро- ларнинг ўзлари риоя этишлари шарт. Пиёдалар белгиланган тартиб асо- сида юрсалар ҳар қандай кўн- гилсиз воқеа ва ҳодисалар- нинг олди олинади.

Рустамбек НИЗОМОВ,
Шайхонтохур туман
ИИБ ДАНБ ноэри,
милиция катта
лейтенанти.

СУРАТЛИ АХБОРОТ



Тўртқўл тумани ИИБ ДАН ходимлари ҳам ҳара- кат хавфсизлиги ойлигида фаол иштирок эти- шяпти. Хўжаликларда, маҳалла, мактабларда бў- либ, пиёдалар ва ҳайдовчиларнинг йўлларда ҳа- ракатланиш қоидаларига риоя этиш борасида тушунтириш ишлари олиб боришяпти. Айниқса, постларда транспорт воситалари ҳаракатини ху- шёрлик билан кузатиб, автоҳалокатларнинг рўй бермаслиги учун назоратни кучайтиришяпти.

Суратда: туман ИИБ ДАНБ бошлиги, милиция капитани Улугбек Абдуҳонов (ўртада), ИПХ но- зирлари милиция катта сержанти Озод Эгамбер- диев ва милиция сержанти Фулом Исмоиловлар- га навбатдаги топшириқ берапти.

Қамариддин АМИНОВ
олган сурат.

ДАВР ТАЛАБИ

Андижон вилоят ИИБ мажлислар залида Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ички иш- лар вазирлиги Давлат автомобиль назорати ходим- ларининг масъулиятини оширишга қаратилган чора- тадбирлар тўғрисида»ги қароридан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама қилинди.

Унда вилоятнинг барча шаҳар, туманларида хизмат қилаётган ДАНБ ходимлари қатнашдилар.

Йиғилишда вилоят ДАНБ бошлиги, милиция под- полковниги А. Тошбоев Давлат автомобиль назорати ходимлари томонидан хизмат вазифасини бажариш пайтида йўлларда ҳаракатланиш иштирокчиларига нис- батан кўпол муомалада бўлиш, уларнинг ҳуқуқларини бузиш, ўз ваколатлари доирасидан четга чиқиш каби иллатлар кузатилаётгани, мазкур нуқсонларни барта- раф этиш, ички ишлар идораларининг ДАН хизмати ходимларининг маданиятини ошириш, улар томони- дан хизмат интизоми ва қонунчиликка оғишмай риоя этилиши лозимлигиға тўхталди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг қарорини ҳаёт- га татбиқ этишда изчил чора-тадбирлар курилажаги- ни билдирди.

Шундан сўнг ДАНБ ходимларининг хизмат тайёр- гарлиги, жанговар, жисмоний ва касб маҳорати бўйи- ча саф куриги ўтказилди.

Б. АЗИМОВ, Б. КЛЕЙМАН,
Андижон шаҳри.

ИККИ ТУР ҲАЙДОВЧИЛАР

Сўнги йилларда хусусий тад- биркорликнинг ривожланишиға кенг имкониятлар берилаётган- лиги, аҳолиға транспорт хизма- ти кўрсатиш соҳасида ҳам ўз ак- сини топмоқда. Жиззах вилояти- да давлат, хўжалик, ҳиссадорлик жамиятларига қарашли 1400га яқин катта-кичик автобуслар мав- жуд бўлса, шахсий автобуслар сони 550таға етди. Бундан таш- қари вилоят ҳудудидан ўтган Кат- та Ўзбек трактида ҳар куни юз- лаб автобуслар шаҳарлараро йў- налишлар буйлаб қатнамоқда. Албатта, бу аҳолининг транс- порт хизматиға бўлган талабининг қондирилаётганидан далолатдир. Бирок, қуйидаги далиллар маса- ланинг бошқа томонига эътибор бериш лозимлигини кўрсатмоқ- да.

Утган йили давлат тизимида- ги автобуслар билан боғлиқ 17та йўл-транспорт ҳодисаси содир булган бўлса, шахсий автобус- лар билан боғлиқ 28та шундай ҳолат юз берди.

Автокорхоналарға қарашли ав- тобус ҳайдовчилари хизматта чи-

қшдан олдин албатта тиббий кў- рикдан ўтказилади, сўнгра тра- нспортнинг техник созлиги тек- ширилади. Шунингдек, ҳайдов- чиларнинг касб маҳоратларини ошириб боришлари учун мунта- зам равишда машгулотлар ўтқа- зиб борилади. Аммо хусусий ав- тобус ҳайдовчилари ўртасида бундай тадбирлар кузатилмайди.

— Микроавтобус ҳайдовчила- рининг бизға рақобат қилиб иш- лаётганликлари яхши албатта, — дейди 20-автокорхона директо- ри муовини П.Комилов. — Лекин улар кўпроқ даромад топишни ўйлашади-ю, кишиларни бехатар манзилға етказиб боришни уну- тиб қўйишади. Ўзбошимча марш- рут танлашади, бир-бировлари билан қувишиб транспортларни бошқаришади. Улар маълум тар- тиб-қоидада фаолият кўрсатиш- са мақсадға мувофиқ булар эди.

— Йўловчиларнинг хавфсизли- ги бизнинг асосий вазифамиз ҳи- собланади, — дейди вилоят ИИБ ДАНБ бошлиги вазифасини ба- жарувчи, милиция подполковни- ги И.Каримов. — Шу нуқтаи на- зардан келиб чиққан ҳолда биз

вилоят ҳокимлигиға бир қанча таклифлар киритдик. Ҳозир шахсий кичик автобус ҳайдов- чилари ўртасида тендр-танло- вига асосан, уларнинг касб ма- ҳоратлари, малакалари, транс- портларнинг техник ҳайдовчи- ларғагина лицензия бериш ва ҳаракат йўналишларига бирик- тириш белгилаб қўйилди. Ҳо- кимлик қошида автобус ҳайдов- чиларининг уюшмаси ташкил этилди.

Ҳаракат хавфсизлиги ойли- ги ўтказилаётган шу кунларда давлат автомобиль назорати ходимлари томонидан қушим- ча тадбирлар амалға оширил- моқда. Жумладан, транспорт воситаларига ортикча одам миндириб қоида бузган 1700 нафар ҳайдовчи, автомашина ойналарини қорайтириб олиб ҳаракатға хавф туғдираётган 445 нафар ҳайдовчиға маъму- рий чоралар курилди.

Ҳа, ҳар бир ҳайдовчи, йў- ловчи куча ва йўлларда бирин- чи навбатда ўз хавфсизликла- рига ўзлари масъул эканликла- рини унутмасликлари керак.

Б. БЕГИМКУЛОВ.

Ҳаётнинг, авлоднинг давомчилиги — фарзанд. Опа қураётган икки ёш учун қўша қариб, узаппа-жуваппа, яъни серфарзанд бўлишларига тилак билдириш, қўш-қўш ўғил-қизлар тилаб дуолар қилишдан улғу тилак йўқ. Айниқса, халқимизнинг болажонлиги тилларда дoston бўлган. Таниш-нотаниш одам салом-алиқ қилганда биринчи навбатда нечта машинисп борлигини эмас, нечта фарзанди борлигини сўрайди...

Фарзандни дунёга келтириш ҳамманинг ҳам қўлидан келади. Уни чин инсон қилиб тарбиялаш, халқига, жамиятига фойдаси тегувчи етук шахс бўлишига омил бўлиш эса ҳар қайси ота-онанинг қўлидан келмайдими. Бугунги кунда кўча-кўйда ўз ҳолича юрган болаларнинг учраб қолаётгани фикримизнинг далилидир.

Айрим болалар, айниқса, ўсмирлар нима учун оиласидан, ота-онасидан безор бўлиб ўйдан қочадилар? Иссиқ ўйдан, меҳрибон ота-онаси бағридан — беташвиш болалигидан воз кечиб, ҳаёт аталмиш мураккаб оқимда ўз ҳолича оқишга уларни ким ва нима мажбур қилади?

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармаси ана шу муаммоларга ойдинлик киритиш мақсадида пойтахтимизда бир ойлик «Ўсмир» тадбирини ўтказди. Натижалар эса кўп-кўп ота-оналар, педагоглар, маҳалла аҳли болалар тақдирига анчагина бефарқ эканликларини кўрсатди. Буни тадбир давомида кўча-кўйда ўз ҳолича юрганлиги учун ички ишлар идоралари муассасаларига келтирилган 1.386 нафар ўсмирнинг тақдирини кўришимиз мумкин. Бу болаларнинг орасида ҳуқуқбузарликка мойиллари ҳам бор, дайдилик қилиб юрганлар, ота-онаси ташлаб

кетган, қаровсиз қолган болалардир. Масалан, Зангиота туманидаги Хонобод қишлоғида яшовчи, мактаб ўқувчиси ўн икки ёшли Дилшод ўз ҳолича ўйдан кетиб, бир ой давомида Сирғали туманининг дуч келган жойида яшаб юрган. Ёки Самарқанд вилояти Пахтачи туманида яшовчи ўн бир ёшли Алишер «Отчопар» бозорида дайдиб юрган. Бундай мисолларни яна келтиришимиз мумкин.

Боланинг ўйдан кетишига сабаб нима?

Ички ишлар идораларининг вояга етмаганларни қабул қилиш-тақсимлаш муассасаларига келтирилган болалар билан ўтказилган суҳбатлардан маълум бўлишича, аксарият болалар ота-онаси ичкиликбоз, жанжалкаш ёки доимий ур-сур бўлиб, шафқатсиз равишда болаларни бўлар-бўлмасга аёвсиз калтаклаб турадиган оилаларнинг фарзандларидир. Бундай оиладаги ўз-ўзи билан овора бўлган ота-она фарзандининг қаёққа, қачон кетиб, қачон келгани билан умуман кизиқмайди, унинг қаерда юриши, нима еб, нима ичишига аҳамият бермайди. Ёки бола калтакдан беизиб, ўйдан қочади.

Шуниси ажабланарлики, бундай оилаларнинг аксарияти маҳалла кўмиталаридан ижтимоий ёрдам оладилар ва бу пулни олиш чоғида албатта вояга етмаган фарзандларини санаб курсатишни унутмайдилар. Минг афсуслар бўлсинки, бундай оилаларнинг бир неча кунлаб йўқ бўлиб қоладиган ёш

ТАРБИЯГА ҲАММА МАСЪУЛ

болаларининг қаердалиги билан нафақат ота-онаси, маҳалла аҳли, бирор кўшни, педагог қизиқмайди.

Бундан ташқари, вояга етмаган фарзандини бирор «фойдали касб-хўнарга ургатиш, ўқитиш йўлини қидириш ўрнига уни ёнига олиб, сира уялмасдан нохуш ишлар қилиб юрган ота-оналар ҳам учрайдими, уларнинг тўрт мучаси соғ ҳолда қилиб юрган ишлари иснодгина эмас, фарзандининг ҳаётига, келажакига завол ҳамдир. Қорақамишда яшовчи 45 ёшли Фариди М. ўн бир ёшли ўғли билан ИИБ ВЕИН ходимлари томонидан ушланиб, бўлимга олиб келинди. М. Фариди нисбатан маъмурий чоралар қўлланди.

Бугун дунёга келтирган ота-оналари сабаб ўқиб билим олмай, касб-хўнарга урганмай дайдиб, ўз ҳолича сандироқлаб юрган болалар эрта-индин вояга етганда ким бўлиб етишадими? Бола дастлабки тарбияни оиласида, ота-онасидан олади. Ўз ҳолича яшаб юрган болаларга ким тарбия беради?

Шу уринда маҳалла кўмиталарига эътироз билдиришимиз.

Ҳукуматимиз маҳалла кўмиталарига жуда катта ишонч билдириб уларга катта ҳақ-ҳуқуқлар бериб қўйди. Бу эса ҳар бир маҳалла оқсоқоли, фаоллари зиммасига ўша маҳаллада яшовчи фуқаролар тақдирини учун жавобгарлик масъулиятини юклайди. Шунга кўра, нима учун маҳалла кўмиталари ўз ҳудудларидаги носоғлом оилалар ва уларнинг фарзандларини (ўйлаймизки, ундайлар ҳар бир маҳалла-

да бармоқ билан санарли) ўз назоратларига олиб, уларнинг хатти-ҳаракатларидан бохабар бўлиб турмайдилар? Бу уларнинг ва шу ҳудуд ВЕИН но-зирининг биргаликда бажарадиган бурчи, мажбурияти эмасми? Агар озгина ғайрат қилиниб, шу фикрларимиз амалга ошганда эди, маъмурий жавобгарликка тортилган 329 нафар шахсларнинг 97 таси ота-оналардан иборат бўлмасди. Ўйлаймизки, «бир болага етти кўшни ота-она» деган нақлимиз эскиргани йўқ ва маҳалла оқсоқоллари бу масалани тез кунда ижобий ҳал қилдилар.

Тадбир давомида Тошкент шаҳар ҳокимининг 1997 йил 20 ноябрда чиқарилган 154-сонли Хитой Халқ республикасида ишлаб чиқилган, болалар ҳаёти учун хавfli бўлган портловчи уйинлар — қарсилдоқларни қонунга зид равишда сотиш ва сотиб олиш, ишлатишга қарши ҳам анчагина ишлар қилинди.

Аёл — она. Она ҳеч қачон фарзандига ёмонликни раво кўрмайди дейдилар. Ўз фарзандига раво кўрмаган ёмонликни бошқаларга раво кўрувчи она буладими? Агар бундайларни она деб булса...

... Янги йилга санокли соатлар қолиб, ҳамма шоду хуррамлик билан дастурхон атрофида йиғилаётган паллада «Тез ёрдам» машинаси чинқирганича шаҳардаги болалар касалхоналаридан бирига етти ёшли Отабекни олиб келди. Унинг афт-ангорини кўриб бўлмас, қонга беланган башарасининг ўнг томонида кўз ва чакка, соч ўрнида яхлит қип-қизил

қон лахтак бўлиб турар, фарзандининг бу ҳолини кўриб хушдан кетган онасини бошқа бир «Тез ёрдам» катталар касалхонасига олиб кетган, Отабекни қўлида кутариб олган холаси эса «олган пулинг боланинг улимига буюрсин!» дея фарёд чекарди.

Мурғаккина Отабекнинг кўзи қайта тикланадими-йўқми, Яратгангагина аён, лекин ўйлаймизки, болаларнинг соғлиги, майиб-мажруҳ бўлиб қолиши, уларнинг ота-оналари — кўпчиликнинг қарғишига учраб қарсилдоқ сотиб пул ишловчиларнинг ҳеч қачон бири икки булмайди. Чунки «қарғиш олган — кўкармайди» дейди халқимиз.

Ман қилинган хавfli матоҳни Сирғали машина бозорида яшириб сотаётганда ушланган Сирғали туманида яшовчи, 1960 йилда туғилган Саноат Гапирова ва унга ухшаб «оламага ўт тушса ҳам менинг кўмочим пишса булди» қабилда иш тутайтганлар бир кун келиб Ҳақ олдида жавоб беришларини унутмаслигини истардик.

Шу билан бирга қарсилдоқ уйнаб фуқароларга маънавий зарар етказган Юнусободдаги 86-мактаб ўқувчиси, 1985 йилда туғилган Дмитрий Грачёв, Тошкент шаҳар Қўшбеги мавзесида яшовчи, 319-мактаб ўқувчиси, 1988 йилда туғилган Эркин Деҳқонбоев

кабиларга ҳам ҳужжатлар расмийлаштирилиб, чора кўриш учун яшаб турган туманлари ҳокимияти қошидаги вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияларига юборилди.

Вояга етмаганларнинг содир этган ҳуқуқбузарликлари буйича ташкилот ва жамоаларга саккиз юзга яқин хат юборилди. Тадбир жараёнида ИИБ Матбуот маркази билан ҳамкорликда ўсмирлар ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш мақсадида қатор профилактик ишлар, мактабларда суҳбатлар ўтказилди. Бозорларда яширин равишда қарсилдоқлар сотаётган фуқаролар ва уларга қарши қўрилган чора-тадбирлар ҳақида курсатув тайёрланмоқда.

«Болам униб-ўссин, орқамда қолсин» дея ният қиларканмиз, унинг униб-ўсишида, орқамизда қолиб, бизнинг миқсоллаб йиққан обрўймизни, номимизни улуғлаши, бошлаган ишларимизни давом эттириши ҳам, вақти келиб руҳимизни чирқиратиши, обрўймизни балчиққа қориши ҳам узимизга, берган тарбиямизга боғлиқлигини биринчи навбатда биз, ота-оналар унутмаслигимиз лозим.

Оилангизда фарзанд усяпти. Унга тарбия берадиркансиз, унутманг, сиз фақат ўғил-қизингизни эмас, келажак эгаларини тарбиялаясиз. Бугунги болаларимизнинг соғломлиги, билимдон ва етуқлиги эртанги жамиятимиз тараққиётининг мустақкам гаровидир.

М. МАРДИЕВ, милиция майори. Б. ЗУХУРОВ, милиция катта лейтенанти.

ҚИДИРИЛМОҚДА



УМАРОВ қидирилмоқда. У 1998 йил 16 декабрь куни соат 14.00ларда ўйдан чиқиб кетган ва шу кўйи бедарак йўқолган.

Белгилари: бўйи — 170 см, юзи юмалок, сочи қора ва калта, қиррабурун, қошлари ёйсимон.

Кийими: эғнида оқ рангли жемпер, қора рангли пахтадан тикилган кўйлак, оёғида қора пайпоқ ва каллиш бўлган.

Алоҳида белгиси: руҳий хаста, ақлан заиф, қорнида ва чап қўлида куйгандан қолган доғ бор.

Тошкент шаҳар Акмал Икромов тумани ички ишлар бўлими томонидан Акмал Икромов тумани, Зулфизар 1-тор кўчаси, 9-уйда истиқомат қиладиган, 1975 йилда туғилган **Тоҳир Турғунович**

Тоҳир Умаровни кўрган ва билган фуқаролардан бу ҳақда 72-98-13, 72-92-42, 72-99-57 ёки 02 рақамли телефонлар орқали ёхуд энг яқин милиция бўлинмасига маълумот беришларини сўраймиз.

ҚАЛПОБЛАР ВА ҚАЛБАКИ ПУЛЛАР

Тошкент вилоятининг Чиноз туманидаги ДАН масканида «Нексия» русумли автомашинада кетаётган бир гуруҳ кишилар текширувдан ўтказилганда уларнинг ёнларидан бир дона РГД-5 русумли жанговар граната, 61 дона 100 купюралик қалбаки АҚШ доллари ҳамда героин гиёҳванд моддаси топилди. Суҳбатда улар героини Тожикистон Республикасининг Ленинобод вилояти Уратепа шаҳрида яшовчи Комил исмли шахсдан олганликларига ва яна ундан 1 килограмм героин сотиб олиш учун кетаётганларига иқдор бўлишди.

Сирдарё вилоятининг Янгиер шаҳрида 1 килограммдан ортқ героин наркотик моддасини сотишга уринган Комил исмли шахс жиноят устида қўлга олинди. Ажабланарлиси шундаки, бу шахс бир вақтлар Уратепа тумани ички ишлар бўлими навбатчилик қисми бошлиги лавозимида ишлаган, истеъфодаги милиция майори Комил Додоев экан. Ҳозирда Тожикистон Республикаси ҳукумати қошидаги давлат чегарасини қўриқлаш кўмитасининг ҳарбий қисмида хизмат қилувчи бу кимсанинг қабих қилмишлари ва унинг шериклари фаолияти билан Ички ишлар вазирлигининг тезкор хизмат ходимлари атрофлича иш олиб боришмоқда.

МОМОЙЛАРНИНГ ҚОТИЛИ БОБОЙ...

Фаргона вилоятининг Қўқон шаҳри Озодлик хибонадаги хонадонларнинг биридан икки нафар — онабола нафақахўр аёлнинг жасади топилгач, ички ишлар ходимлари уларнинг қотилини топишга киришдилар. Бири олтишдан ошган ва иккинчиси тўқсонни қоралаб қолган бу аёлларни улдириш кимга керак бўлибди экан?

Ана шу саволга жавоб топиш учун милиция ходимлари тезкорлик билан ишга киришадилар ва қўп ўтмай эса қотил ушланди. Узаро жанжал туфайли содир этилган бу мудҳиш воқеа «қахрамони» ҳам ёш эмас, салкам олтимишга яқинлашиб қолган ва муқаддам судланган Ш. Й. бўлиб чиқди.

Момоларнинг умрига зомин бўлган бу шахснинг қилмиши юзасидан тергов ҳаракатлари давом этмоқда.

ИНСОН ҚИЁФАСИДАГИ МАЛЪУН

Қиёфаси инсонларга ўхшаб, бироқ қилмишидан энг йиртқич ҳайвонлар ҳам андоза ололмайдиган ваҳший кишилар онда-сонда булса-да учраб турар экан. Фаргона вилояти ички ишлар идоралари ходимлари 1999 йилнинг 17 январь куни Фаргона кўчасидаги 15-уйнинг қорбоғидан номаълум шахснинг бош чаноғи топилгандан хабар топгач, ушбу малъун кимсанинг кирдикорларини фош этдилар.

Ички ишлар ходимлари томонидан олиб борилган тезкор тадбирлар ва экспертлар ҳулосасига кўра, ушбу бош чаноқ бундан 19 кун бурун бедарак йўқолган фуқаро Холида Мамаризаеваники эканлиги аниқланди. Марҳумнинг қотилини топиш жараёнидаги тадбирлардан сўнг Чимён шаҳарчасида яшовчи қотилликка дахлдор шахс гумонланиб қўлга олинди.

Дастлабки маълумотлардан оқиб ушбу гумондорнинг 1998 йил 29 декабрь куни кеч соат 22лар чамасида Мамаризаеванинг уйига маст ҳолда ташриф буюриб, у билан жанжаллашиб қолгани аниқланди. Шунингдек, уртада пайдо бўлган низодан сўнг уй эгаси бу ҳақда участка нозирига хабар бериш учун чиқиб кетаётганида унинг кетидан бориб, зўрлаб, Чимён нефть корхонасининг қишки клубига олиб киргани ва шу ерда уриб, бугиб ўлдирганини айтади. Шундан кейин марҳуманинг оғзидаги тўртта металл тишини, қўлоқларидаги тилло зиракларини олади. Мурдани синтетик матодан тикилган қоға солади ва уни ёнги машинага ортиб, Чимён шаҳарчаси ахлатхонасига олиб боради. Мурданинг устига солярка сепиб ёқиб юборади, бироқ жасад ёнавермагач, уни ахлатхонага кумиб ташлайди. Суриштирув жараёнида оқоридаги фактлар маълум бўлади. Шунингдек, дастлабки тергов ҳаракатлари жараёнида Чимён шаҳарчаси ахлатхонасидан Холида Мамаризаевага тегишли кийимларнинг қолдиқлари ва бошқа далилий ашёлар топилди.

Шухрат РҶЗИЕВ, ИИБ Матбуот маркази катта инспектори, милиция катта лейтенанти.

ДУШАНБА, 1

ЎзТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
 8.00-8.40 "Тахилнома"
 8.40 "Ўзлик". Бадийи-публицистик курсатув.
 9.05 "Ўзбектеlevision" намоиш этади. "Усуллар парвози".
 9.30 "Жаҳон спорти"
 9.40 "Қишлоқ ҳақида уйлор".
 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
 10.05 "Қундуз амакининг киссалари". Мультсериал.
 10.20 "Жаҳон киноси юлдузлари".
 10.40 "Оламга саёхат".
 11.00 "Изхор".
 12.05 Қундузги сеанс. "Соҳов ва муҳаббат". Бадийи фильм.
 13.40 "Олтин тоғ".
 14.10-14.40 Ўзбекистон телерадиокомпанияси эстрада симфоник оркестрининг концерти.
 17.55 Курсатувлар тартиби.
 18.10 "Юрт ҳавоси даво".
 18.25 "Истеъод".
 18.40 "Мувозанат".
 19.00 "Ўзбектеlevision" намоиш этади. "Алоқа — тараққиёт бусағасида". Премьера.
 19.30 "Ахборот" (рус тилида)
 20.00 Биржа ва банк хабарлари.
 20.10 Оқшом эртаклари.
 20.30 "Ахборот".
 21.05 "Истиқлолим-истиқболим".
 21.25 "Олам қушиққа улсин".
 21.55 "Қусто командасининг сувоисти саргузаштлари". Телесериал. 17-қисм.
 22.45 "Ахборот".
 00.15 "Гугуртга кетиб".
 18.05 «Янги авлод» студияси намоиш этади («Қувнок учрашув»)
 18.25 Мультфильм.
 18.40 «Муганний».
 18.55 Муслиқий лаҳзалар.
 19.00 «Давр». Ахборот дастури.
 19.30 «О», ёшлигим».
 19.55 «Доктор Филли».
 20.50 «Жаҳон». Халқаро шарҳ.
 21.10 «Сурур».
 21.25 «Худуд».
 21.55 Муслиқий лаҳзалар.
 22.00 «Давр». Ахборот дастури.
 22.30 Синема. «Каллакесарлар ороли».

ЎзТВ II

18.00 "ДАРАКЧИ".
 18.10 "Ерилтош". Мульттуплам.
 18.20 Телефакт (рус тилида)
 18.30 "Ташналик". Телесериал.

ЎзТВ III

18.00 "ДАРАКЧИ".
 18.10 "Ерилтош". Мульттуплам.
 18.20 Телефакт (рус тилида)
 18.30 "Ташналик". Телесериал.

СЕШАНБА, 2

ЎзТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
 8.00-8.30 "Ахборот".
 8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
 8.45 Лирик тароналар.
 9.10 "Қусто командасининг сув ости саргузаштлари". Телесериал. 17-қисм.
 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
 10.05 Янги алифбони ўрганамиз.
 10.35 Қундузги сеанс. "Пан Кляксанинг саргузаштлари". Бадийи фильм. 1-серия.
 12.05 "Инсон — ҳаёт гултожи".
 12.25 "Мақбулар — қабутлар".
 12.50 "Оталар сўзи — ақлнинг қузи".
 14.10 "Муслиқий саёхат".
 14.30-15.45 "Пан Кляксанинг саргузаштлари". Бадийи фильм. 2-серия.
 17.55 Курсатувлар тартиби.
 18.10 "Сиртқи телевизион олимпиада".
 18.35 "Хунарманд". Тележурнал.
 18.55 "Шеър ва шуур".
 19.05 "Бинокор".
 19.30 "Ахборот" (рус тилида)
 20.00 "Иқтисодиёт чорраҳаларида".
 20.10 Оқшом эртаклари.
 20.30 "Ахборот".
 21.05 "Истиқлолим — истиқболим".
 21.25 "Барҳаёт сиймолар". Муҳиддин Қори Ёқубов.
 22.00 Телевизион театр. "Муҳаббат қасри". 1-қисм.
 22.25 "Бошпана излаб".
 23.50 "Ахборот".

ЎзТВ II

18.05 "Қусто командасининг сувоисти саргузаштлари". Телесериал. 17-қисм.
 18.55 Муслиқий лаҳзалар.
 19.00 "Давр". Ахборот дастури.
 19.30 Ватан манзаралари.
 19.50, 20.40, 22.30 Ўзлонлар.
 19.55 "Ёшлар" телеканалда премьераси. "Изхор Заррас". Телесериал (Греция).
 20.45 "Марду-майдон".
 21.10 Абдийат оҳанглари. М.Узоқов, Ю.Раҳабий, К.Отаниёзов.
 21.30 "Менинг фикрим".
 21.50 "Ер ишқи". Муслиқий дастур.
 22.00 "Давр". Ахборот дастури.
 22.35 Интерфутбол. Ҳафтадаги энг яхши ўйин.
 00.05 Шарҳ эстрадаси.

19.20 "Сен ҳақингда ва сен учун" (рус тилида)
 19.30 "Ахборот" (рус тилида)
 20.00 "Бумеранг".
 20.20 Муслиқий лаҳзалар.
 20.30 "Ахборот".
 21.05 "Таггерт". Телесериал.
 21.55 "Телефакт".
 22.05 "Япония ҳақида ҳикоялар".
 22.35 "ДАРАКЧИ".
 22.45 "Спорт-тайм".
 23.10 Оҳанглар ва эълонлар.
 23.20 Саргузашт фильмлар экрани.

ЎзТВ IV

16.50 "Мультсэйра".
 17.10-18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

Россия жамоат телевидениеси

18.45 "Шу ерда ва ҳозир".
 19.05 Душанба куни Познер билан. "Биз" дастури.
 «Халқаро» телеканал
 19.45 Сериал. «Дурдоналар изидан». Россия жамоат телевидениеси
 20.45 "Хайрли тун, кичкинтойлар!"
 21.00 "Время".
 21.35 "Муҳаббат тарихи". Телесериал. 186-қисм.
 22.20 "Оламда нима гап?" Ахборот курсатуви.
 22.25 "Вақт хазинасидан".
 22.35 Клип-антракт.
 22.45 "Музейга саёхат".
 23.00 "Вести".
 23.30 Киносеанс. "Иван Васильевич ўз касбини узгартиради". Бадийи фильм.
 01.00 "Ахборот" (рус тилида)
 01.25 Тунги сеанс. "Улимга тенг олишув". Бадийи фильм.

30-канал

15.05, 18.00, 19.55, 20.00, 01.15 — «ТВ-ҳамкор», «Метеохабар».
 15.30 «Олов гилдираги». Телесериал.
 16.00 «Эсдалик учун дастхат». Муслиқий-дам олиш дастури.
 16.30 «Нано». Телесериал (Аргентина).
 17.15 «Карапуз-ТВ».
 17.40 «Шаддодлар ва гузаллар».
 18.20 «Элен ва болалар».
 18.45 «Қора марварид».
 19.30 «Оқ тўти» клуби. Ҳажвий дастур.
 20.20 «Клип-совга».
 21.10 Спорт янгиликлари.
 21.35 «Юлдузлар чарақлаган душанба».
 23.15 «Биринчи даражали қотиллик».
 24.00 «Бедорлик».
 00.50 Тунги муслиқий канал.

РЖТ

6.00 «Хайрли тонг!».
 9.00 Маданият янгиликлари.
 9.15, 17.00 — «Қаҳри қаттиқ фаришта» Сериал.
 10.15 «Сихат-саломатлик».

10.45 «Муъжизалар майдони».
 11.40, 14.30, 15.35 — Мультфильмлар.
 11.50 «Хонаки кутубхона».
 12.00, 15.00, 18.00 — Янгиликлар.
 12.15 «Биргалиқда» дастури.
 13.00 «Олтин серия». Олег Борисов «Икки куён ортидан қувиб...» комедиясида.
 14.40 Д.М. Криловнинг «Йулда ёзилмаган кайдлари».
 15.15 Мультсериал.
 15.55 «Юлдузли онлар».
 16.35 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
 18.15 «Бу эрмак жониворлар».
 18.45 «Шу ерда ва ҳозир».
 19.05 Душанба куни Познер билан. «Биз» дастури.
 19.45 «Мангу даъват» сериалининг янги тақдими.
 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
 21.00 «Время».
 21.45 «Туш қуришга ишқибозлар». Фантастик сериал.
 22.40 «Нигох».
 23.25 Футбол шарҳи.
 24.00 Шу куннинг янгиликлари.
 00.15 «Беш оқшом» фильми.

РДТ

7.00 «Хайрли тонг, Россия!».
 9.15, 19.30, 00.05 — «Навбатчи қисм».
 9.35 «Курсатувлар дастури» телеуйини.
 9.50 «Товарлар — почта орқали».
 10.00 «Санта-Барбара».
 10.45, 13.40 — «Муслиқ, муслиқ...».
 11.00, 14.00, 17.00, 20.00, 00.25 — «Вести».
 11.35 «Петербург сирлари». Телесериал.
 12.30 «Қўзғу».
 13.30, 16.20 — Мультфильмлар.
 14.30 «Айбловчи гувоҳинг улими». Телесериал.
 15.25 «Бойлар ва машхурлар». Телесериал.
 16.30 «Биринчи бусалар». Телесериал.
 17.35 «Минора». Ёшлар ахборот-дам олиш дастури.
 18.00 «Компьютер».
 18.20 Андрей Мягков, Валентин Гафт ва Галина Польских «Вертикал погалар» детектив телесериалида. 1-серия.
 19.40 Бир воқеа тарихи:
 20.30 «Тафсилотлар».
 20.40 «Бир боқишда муҳаббат».
 21.15 Фигурали ўчиш. Европа чемпионати. Қурғазмали чиқиш. Прагадан олиб курсатилади.
 23.10 «Лос-Анжелесда жазирама». Полиция сериали.
 01.05 «Рус лотоси».

ТВ-6

8.55 «Қундан-қунога».
 10.40, 19.35, 01.35 — «Йул назорати».
 11.00, 13.00, 15.00, 17.00, 20.00, 01.50 — «ТСН-6».

11.10, 20.30 — «Қувшининг учинчи сайёраси». Ҳажвий сериал. 16, 17-сериялар.
 11.40 «Star». Старт.
 12.20, 18.15 — Мультфильмлар.
 12.35, 14.05, 17.10 — «Харидингиз учун ташақкур!» теледўкони.
 13.10 «Обозреватель» тахлиллий курсатуви.
 14.15, 02.50 — «Сифат белгиси».
 14.30 «Бокс». Александр Лебяз.
 15.10 ТВ-6 кинотеатри. «Ч. Чаплининг комедиялар туплами».
 17.20 «Ҳиссиётлар». Сериал. 36-серия.
 18.30 «Деграсси қучасидаги усмирлар». Сериал.
 19.05, 02.15 — «Диск-канал».
 20.55 «Полинезия саргузаштлари». Сериал. 13-серия.
 22.00 Шу куннинг янгиликлари.
 22.30 ТВ-6 кинотеатри. А. Пороховскийни кулайим». «Цензурани хотирага яқинлаштирамайман».
 00.40 «Одамлар оламида».
 01.05 «Ҳафта ҳалокатлари ва урушлари».
 02.00 «Кимки...»

НТВ

9.00, 9.30, 10.00, 10.30, 11.00 — «Бугун эрталаб».
 11.10 «Уни Никита деб атардилар». Сериал.
 12.00, 14.00, 16.00, 18.00, 21.00, 24.00 — «Бугун».
 12.15, 13.30, 23.35 — «Яқунлар».
 13.15 «Қўғирчоқлар».
 14.30 «Эски телевизор» эслайди: «Очиқ китоб».
 16.25 «Сунги орзум — Сиз...» Сериал (яқунловчи).
 17.20, 01.35 — «Сегунячко».
 18.30 «Босқинчилар». Сериал.
 19.30 «Нафи тегади».
 19.55 «Сансет Бич муҳаббати ва сирлари». Сериал.
 20.40 «Криминал».
 21.40 «Шу куннинг қаҳрамони».
 22.00 Кино олами. Энтони Кренна, Энн Дуглас ва Томас Мур «Тимсоҳ қотил» саргузашт фильмида (Италия).

— АҚШ).
 00.45 «Тез ёрдам». Сериал.
 02.15 «Бугун ярим тунда»
АСТ
 11.00, 17.00 Мультфильмлар дастури.
 11.30, 14.30, 17.30, 20.30, 23.30 «Факт» ахборот дастури.
 11.40 «Қирғоқ». 1-қисм.
 12.55, 19.00 «Россия кенгликлари». Ҳужжатли фильмлар.
 13.25, 20.00 «Лайлакча». Болалар дастури.
 13.55, 19.55, 1.55 «XX асрдан XXI асрга».
 14.00, 23.00 «Экология пионерлари».
 14.40 «Жузеппе Верди». 1-қисм.
 16.20, 0.10 Хаммабоб иқтисодиёт.
 16.30, 23.40 Спорт ҳар куни.
 17.40 «Давлат чегараси». 1-қисм.
 19.30 Эркаклар ташвишлари.
 20.40 «Сона». 1-қисм.
 22.30 Хотин-қизлар сизлар учун.
 0.20 «Фанера». Эстрада дастури.
 0.50 «Америка фожиаси». 1-қисм.

REN TV

11.00 «Қотиллик ҳаёли» телесериали.
 12.05 «Пляж», телесериали.
 15.00, 16.40, 1.20 REN TV янгиликлар.
 15.05 «Учинчиси ортиқча» ток-шоу.
 15.35 Муслиқий канал.
 16.10 «Реноме».
 16.45 «Ажойиб тарихлар» телесериали.
 17.15 «Махфий материаллар» телесериали.
 18.15 «Нано» сериали.
Андижон шаҳар Қуриқлаш булимиси милиционери, милиция сержанти Мадаминжон Ашуров касаллик варақасини ёптириб, уйга қайтаётгани. Куйганёр кўргончаси худудидаги «Оталар чойхонаси»га етганда бир чойнак чой олиб, қатор қўйилган сўриларнинг бирига ўтирди. Бир пайт аёл кишининг фарёди еру кўкни тутиб кетди, унинг фарзанди Қорадарёга тушиб кетганди. Мадаминжон уйлаб ўтирмай ўзини сувга олди...

— Фарзандим тушиб кетган сувнинг даҳшатли, пишқириб оқётганлигини куриб ўзимни сувга отолмадим, — дейди она ҳаяжон билан кузларига ёш олиб. — Аммо мана шу йигит ўзини аямай, кимини ечмай сувга тушди.

Ҳа, ички ишлар тизимида «Эл бошига иш тушса, этик ечмай сув кечадиган азамат» йигитлар хизмат қилишига яна бир қарра амин бўлдим. Ана шундай виждонли, алпомиш йигитлар бизнинг юртимизда милиция сафида хизмат қиладиганлиги кишини нақадар қувонтиради.

Бахтиёр АЗИМОВ.

Таклиф

МАҲАЛЛА МИЛИЦИЯСИ ДЕБ ЮРИТИЛСА

Олий Мажлиснинг XIII сессиясида кўрилиб биринчи ўқишда маъқулланган янги тахрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига ҳавола этилди. Шунинг таъкидлаш жоизки, маҳаллалар аҳлининг фикр-мулоҳазалари ва истаклари инobatга олинган ушбу ҳаётбахш ҳужжат маҳалланинг республика ижтимоий ҳаётидаги ўрни, бундан кейинги тараққиёти, истиқболини қонун асосида ёрқин белгилаб бергани билан қадридир.

Лойиҳани диққат билан ўқиб чиқиб, менда бир таклиф туғилди. Маҳаллаларда аҳоли ўртасида бевосита ҳуқуқ-тартибот ишларини олиб бораётган участка вакиллари бундан буён маҳалла милицияси деб юритилса қандай бўларкин? Бу билан унинг маҳалладаги обрў-эътибори янада оширилди.

Агар бундай атама қабул қилинса, Қонун лойиҳасига «маҳалла фуқаролари маҳалла милицияси ҳисоботини эшитиб боради ва аттестациядан ўтказди» деган сўзларни қўйиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Неъматжон ҲАСАНОВ,
Тошкент шаҳридаги Нодира маҳалласи оқсоқоли.

ОТАХОН ҲАҚИДА ДИЛ СЎЗЛАРИ

М. Собиров, полковник: — Ҳар қандай шароитда ҳам вазиятга объектив баҳо бериб, тўғри хулоса чиқаришни Гофур ака Раҳимовдан ўргандим. У кишининг одамгарчилиги, меҳрибончилиги туфайли кўплаб шогирдлари ўз йўлини топиб кетишди.

Ш. Файзуллаев, Ўзбекистон Қўрғани (Сурхондарё вилояти): — Гофуржон ака Раҳимов нафақат ички ишлар идораларида, жамоатчилик ўртасида ҳам яхши ҳурматга эга. Унинг маҳаллалар, фуқаролар йиғинлари билан ички ишлар идораларининг жиноятчиликка қарши курашида биргаликда ҳаракатларини ташкиллаштиришдаги ташаббуслари ва амалий ишлари ибратлидир.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва ИИБ фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги маркази ички ишлар идораларининг фахрийси, истеъфодаги милиция генерал-майори Гофуржон РАҲИМОВни табаррук етмиш ёшлари билан самимий кутлайдилар. Отахон генералга сийҳат-саломатлик, бардамлик ва яна кўп йиллар эл ишига камарбаста бўлиб юришларини тилайдилар.

Сарҳисоб

МАРКАЗ ИШИ ЯНАДА ФАОЛЛАШАДИ

Айни кунларда ИИБ фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази ҳисобида 27 мингга яқин нафақадаги кишилар рўйхатда туради. Уларнинг аксарияти кўп йиллар ички ишлар идораларида самарали хизмат қилиб, нафақага чиқиб, кексалик гаштини сўраётган фахрийлардир. Уларнинг ҳар биридан хабар олиш, ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, зарур бўлганда молиявий, дори-дармондан ёрдам бериш марказининг асосий вазифасидир. Утган йили бу борада қатор ишлар амалга оширилди. Ёлғиз, қаровсиз қолган фахрийларга, ногиронларга тиббий ёрдамни ташкил этиш янада яхшиланди. Душанба кўни ИИБ Фахрийларининг ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги маркази йиллик ҳисобот йиғилишида ана шулар ҳақида гапирилди. Марказ раиси, истеъфодаги милиция генерал-майори Ф. Раҳимов ҳисобот маърузасида ўтган йилда амалга оширилган ишлар юзасидан тўхталиб, жорий йилдаги режалар ҳақида гапирди.

Жойларда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига ички ишлар идораларида раҳбарлик лавозимларида ишлаб, нафақага чиққан фахрийларни жалб этиш кўп жиҳатдан фойдали эканлиги қайд этилди. Бу борада Қашқадарё вилоятида яхши тажрибалар қўлланиляпти. Шунингдек, шаҳарлардаги маҳалла кўмиталарига ҳам ички ишлар хизмати фахрийлари жалб этилган жойларда жиноятчилик камийиб бораётганини далиллар тасдиқлаяпти.

Раис ўринбосари, истеъфодаги милиция полковниги М. Иванов кўшимча маъруза қилиб, ютуқлар билан бирга йўл қўйилган камчиликлар ҳақида тўхталиб, марказ доимий комиссияларининг иши юзасидан Ш. Ҳасанбоев, Ж. Аъзамов, М. Симонов, Р. Холматовлар сўзга чиқдилар ва жамоатчилик марказининг фаолиятини янада жонлан-тириш, тузилган режа ва тадбирларни бекаму кўст бажарилиши учун қилиниши лозим бўлган ишлар юзасидан таклифлар киритдилар.

Ҳисобот йиғилишида ИИБ ШТБХ бошлиғи ўринбосари, милиция подполковниги У. Жўраев иштирок этди ва сўзга чиқди.

Ўз мухбиримиз.

Ҳар бир соҳанинг, касбнинг ўз фидойилари, жонқуярлари бўлади. Ўз касбига меҳр қўйган, эл осойишталиги йўлида салкам йигирма йилдан буён фидойилик кўрсатиб келаятган милиция капитани Ашур Жўраев ана шундай инсонлар сирасига кирди.

У ўз фаолиятини Қашқадарё вилояти Китоб тумани ДАН бўлимида бошлади. ТошДУнинг ҳуқуқшунослик факультетида сирдан ўқиш билан бирга туман ИИБнинг жиноятқидирув бўлимида хизмат қилди. Шу йиллар мобайнида А. Жўраевнинг қўлидан кўплаб жинойи ишлар ўтди. Қуйида у очган жиноят ишларидан айримларини ҳавола қиламан.

Экиб ўстириш ман қилинган гиёҳвандлик моддаларини панада парвартиштирган қонунбузар ўз ишини бироз сезмаслигига қаттиқ ишонади. Лекин хизматда кузи пишган А. Жўраев ундайларни қадам олишиданок бехато сезади. Масалан, 1998 йилнинг 28 июль кўни тумандаги «Паландара» жамоа ҳужалиги худудида жойлашган Дунг қишлоғилик Муқим Эргашев ва Зоир Раҳмоновлар томорқаларида наша эканлигини сезиб, уларни далилий ашёлар

БУ КИЧИК ЖАСОРАТ ЭМАС!

билан ушлади ва туман ИИБга келтирди.

«Зарафшон» агрофирмасига қарашли Хачирусти қишлоғи туман марказидан анча олимса. Шу қишлоқда истиқомат қилувчи Мусо Қодировнинг томорқасига 88 туп наша эканлиги ҳам жиноятқидирув бўлимининг катта назори А. Жўраев назаридан четда қолмади.

Китоб туманининг жануби-гарбий қисми Зарафшон тоғ тизмаларига томон туташиб кетган. Шу ердаги Матмон қишлоғида истиқомат қилувчи ака-ука Элмурод Бекмуродов ва Саидмурод Бердиевлар 1 кило-ю, 200 гр марихуана ва 45 грамм қорандорини 130 минг сўмга пуллаётганида қўлга олинди. Текширилганда улар ҳовлиларида бир неча туп гиёҳванд усимликлар парвариш қиладиганлиги маълум бўлди.

Ҳуқуқ-тартибот соҳасида нафақат жисмоний куч, балки зийраклик ва синчковлик ҳам муҳим ўрин тутди. Китоб-Шахрисабз йўлида ўз машинасида кетаётган А. Жўраевга рўпарадан келаятган «Ява» русумли мотоциклдагилар шубҳали бўлиб қўрин-

ди ва «беозор сайёҳлар»ни изма-из кузата бошлайди. «Ява»дагилар Шахрисабзга келиб автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчасида бир зум тўхтайдилар.

Бу икки гумондор шахсни қўлга олиш вақтида А. Жўраев ҳужжатларини сўраганда улардан бири сездирмай чўнтагидан жанговар қурол—граната олиб, уни ишга солиш учун «капсула»сини тиши билан сўғуриб ташлайди. (Ёқилғи қуйиш шохобчасида граната портласа, нима бўлишини бир тасаввур қилинг...)

А. Жўраев унга ташланди ва қуролсизлантиришга улгурди. Улардан гранатадан ташқари совуқ қурол ва ниқоблар ҳам тортиб олинди. Бу кичкина жасорат эмас!..

Маълум бўлишича, бу жинойи гуруҳ аъзолари Чироқчи шаҳрида яшовчи Собир Қўйлиев ва ва Жўрамурод Алиқуловлар бўлиб, уларнинг босқинчилик, угрилик, қўпорувчилик, талончилик ва бошқа бир қанча жиноятлар содир этганликлари фош бўлди. Суриштирув ишлари олиб борилганда бу ашаддий жиноятчиларнинг Китоб,



Яккабоғ, Чироқчи, Қамаш ва бошқа туманларда 9 бор оғир жиноятлар қилиб улгурганлиги аниқланди.

Биз юқорида келтириб ўтган қонунбузарлик ҳолатлари жуда қисқа муддатда фош қилинди. Довжорак йигит, осойишталик посбони, милиция капитани А. Жўраев ўз касбига меҳр қўйиб, масъулиятни ҳис қилган ҳолда сафдошлари билан бирга осойишталик йўлида фидокорона хизмат қилмоқдалар.

Азамат СУЙОНОВ,
Суратда: милиция капитани А. Жўраев.

ҚОРОВУЛЛАРГА ҚОРОВУЛ КЕРАК...МИ?

ИИБ Ёнгиндан сақлаш бошқармаси ходимлари «Қуриқлаш» хизмати ходимлари билан ҳамкорликда йирик халқ ҳужалиги масканлари ва корхоналарида тунги текширувлар уюштирдилар. Ушбу текширувлар жараёнида қоровуллик хизматининг сифати, навбатчиликка жалб этилган ходимларнинг ўз вазифаларига қандай муносабатда бўлаётганлиги, ёнгин содир бўлганда нималарга эътибор қилишлари кераклиги борасидаги билимлари текширилди.

Аксарият ҳолларда, қоровуллик хизматидаги эътиборсизлик билан қараб келинаётганлиги, кекса ва касалманд кишиларнинг бундай жойларга хизматга қабул қилиниши, уларнинг айримлари тунги қоровуллик хизматини бир тўйиб ароқ ичишу тонгача мазза қилиб ухлаш деган фикрдаги хизматчилардан иборат бўлиб қолмоқда. Бу каби иллатлар оқибатида эса бир неча бор хунук воқеалар содир бўлганлиги сир эмас.

Жумладан, Чирчиқ шаҳар қишлоқ ҳужалиги машиналари заводнинг 7-қуриқлаш постида содир бўлган ёнгинда қоровул И. Штеенконинг куйган ҳолда жасади топилди.

Самарқанд тумани Навруз қишлоғида жойлашган шифохонанинг иситиш қозонхонасида содир бўлган ёнгинга ўт ёқувчи бўлиб ишловчи И. В. Чикашевнинг маст ҳолда-сигарета чекиб ухлаб қолганлиги сабаб бўлган. Бунда ҳам ўт ёқувчи Чикашевнинг ўзи ёнгин ичида қолиб кетган.

Андижон машинасозлик заводига қарашли 21-болалар боғчаси қоровули Зухриддинов иситиш қозонини ёқиш пайтида газнинг чақнаб кетиши натижасида куйиш таъ жароҳати олган, ҳамда касалхонада ҳаётдан қўйиб юрган.

Зарбдор тумани Ш. Рашидов номли 1-сонли ўрта мактаб қоровули Б. Ортиқовнинг носоз электр иситиш воситасидан фойдаланиши оқибатида ёнгин содир бўлиб, қоровулхона бутунлигича ёниб кетган.

Бу каби кунгилсиз мисолларни кўпайиб келтиришимиз мумкин, лекин ўн-

да инсонларнинг ҳаётдан бевақт қўйиб қўйиб биздан ўта сергакликни талаб қилади. Олиб борилган текширувлар давомида бир қатор қоида бузарликлар аниқланди. Сирдарё шаҳар 40-сонли ўрта мактаб қоровули ва марказий иситиш қозонхонаси оператори Ж. Ковалёв газ ёниб турган иситиш қозонхонасини назоратсиз қолдириб иш жойини ташлаб кетган, Тошкент шаҳридаги Семашко номли илмий-тадқиқот институтида навбатчи врачлар топилмади, ухлаб ётган 1-пост қоровули ўзини А. Носиров деб таништирди, лекин ҳужжатлари текширилганда нафақадор Т. Атабаев эканлиги маълум бўлиб у исми шарифини ўзгартирганини айтди. Паркент шаҳри 1-ўрта мактаб қозонхонаси оператори Г. Утаганов ёқилган газни назоратсиз қолдириб ухлаб қолган. Бухоро шаҳридаги ўзбек-турк лицейи, Тошкент шаҳридаги 88,153-мактаблар, 254-болалар боғчаларида телефон алоқасининг йўқ бўлиб, бор жойларда ҳам раҳбарлар хоналарида қўлқаб

қўйилган. Андижон шаҳар 44-болалар боғчаси қоровули А. Солиев навбатчилик даврида спиртли ичимлик истеъмол қилиб ҳеч нарса билан иши бўлмабепарво ётибди. Булоқбоши туманидаги 4-ўрта мактаб қоровули Ш. Исмоиловнинг ҳам ўз хизмат вазифасини билмаслиги, иситиш печи учун табиий газ тармоғига резина шланг орқали ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаган ҳолда улаб олиниб фойдаланаётганлиги аниқланди. Бундай қоидабузарликлар тунда ёнгинларнинг содир бўлишига, бунда телефон алоқасининг йўқлиги эса ўт учирини қисмига зудлик билан хабар беришни қийинлаштириб, оғир оқибатларга олиб келиши мумкин.

Бу каби жиддий масалаларни ҳар томонлама урганиб, тунги қоровулларни ҳам мунтазам текшириб туриш, тунги хизматчиларга қўйилган талабларни бажаришларига жавобгар шахсларнинг талабчанлигини ошириш кераклигини таъкидлаб ўтаемиз. Қолаверса халқимиз мол-мулкнинг ишончли қўлларда қўриқланиши — хотиржамлик гарови эканлиги ҳаммамизга маълумдир.

ҚОИДАГА АМАЛ ҚИЛСАК БАС, ЛЕКИН...

Шу 1999 йилнинг 11 январь куни Яккасарой тумани ёнгиндан сақлаш қисмига марказий алоқа таянч пунктидан олинган ёнгин ҳақидаги хабар ўт ўчириш ходимларини тезда оёққа тургазди. Санокли дақиқалар ўтар-ўтмас шу куни хизматни олиб бораётган қоровул бошлиғи, ички хизмат капитани Б.Юнусов бошчилигидаги ўт ўчириш ходимлари Қушбеги мавзесидаги 13-уйга зудлик билан етиб келдилар. Бинонинг 3-қават ойнасидан бурқсиб чиқаётган тутун ва аланга, ҳамда нажот истаб югураётган одам ўт ўчирувчиларни янада шошилтирди.

Вазиятни тўғри баҳолаган Б.Юнусов 3-қават деразасига сурилма нарвон ўрнатиб, одамни қутқаришга, бўлинма сардори Л.Сайдуллаев хонадоё эшиги тарафдан сув дастаги ҳамда юқори қаватдаги хонадонларга аланга ўтмаслиги учун ҳимоя сув дастагини беришни буюрди. Ўзи эса чаққонлик билан ички хизмат сержанти Ш.Ко-

милов билан 3-қават деразасидан хонадон сохибининг ўғлини қутқаришга киришди.

Тезкор ҳаракатлар ўз самарасини кўрсатди. Қутқарилган инсон тез ёрдам орқали касалхонага юборилди, ёнгин эса ўт ўчириш ходимлари етиб келгандаги доира орасида ўчиришга муваффақ бўлинди. Ўз хизматларига бўлган садоқат ва мунтазам равишда олиб борилаётган жисмоний машғулотлар ижобий натижасини кўрсатди. Ён-атрофда йиғилган аҳоли ўт ўчирувчиларнинг хизматини юқори баҳоладилар.

Ёнгин хонада ёқилган маҳсулотини нотўғри сақлаш ҳамда ёнгиндан сақлаш қоидаларига риоя қилмаслик оқибатида юз берган.

С.МАЪРУПОВ,
Яккасарой тумани
ёнгиндан сақлаш
хизмати
катта назоратчиси,
ички хизмат
капитани.

Сарҳисоб

ЁНГИНЛАР КАМАЙДИ, БИРОҚ ИШЛАР КЎЛАМИ КЎП

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнгиндан сақлаш бошқармасида йил якуни бўйича ўтказилган йиғилишда ўтган йил давомида ёнгинларнинг олдини олиш борасида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниб, жорий йилда бажарилиши лозим бўлган ишларнинг режа-тадбирлари белгилаб олинди. Ёнгиндан сақлаш бошқармаси бошлиғи, ички хизмат полковниги Юсуф Қосимов ҳисобот маърузасида ёнгиндан сақлаш тизими ходимларининг саъй-ҳаракатлари тўғрисида йил давомида республикамиз ҳудудларида ёнгинлар содир бўлиш ҳолларининг 1997 йилга нисбатан умуман 8 фоизга, жумладан, ишлаб чиқариш корхоналарида 16,7 фоизга, оғирлар ва савдо муассасаларида 5 фоизга, маданий ва маиший масканларда 12,2 фоизга, чорвачилик ва

қишлоқ ҳужалигининг бошқа тармоқларида 36,3 фоизга, аҳоли турар жойларида эса 6,6 фоизга камайишига эришилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Шундан сўнг Бошқарма тизимидаги бўлим бошлиқлари ҳам сўзга чиқиб, йил давомида йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни таҳлил қилган ҳолда 1999 йил давомида амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар ҳақида гапирдилар. Билдирилган таклиф ва мулоҳазалар асосида режалар тузиб олинди.

Йиғилишда содир бўлаётган ёнгинларга кўпинча болаларнинг ўйда ёлғиз қолдирилиши, уларнинг олов билан уйнашлари сабаб бўлаётганлиги таъкидланди. Шу боис, жорий йилда болалар иштирокидаги ёнгинларга йўл қўймаслик учун оммавий ахборот воситалари орқали тарғибот ишларини янада кучайтириш билан уларнинг ёнгин хавфсизлиги қоидаларига ўргатиб бориш асосий вазифалардан бири қилиб белгиланди.

«01» ХАБАР ҚИЛАДИ

• Юнусобод туманидаги 6-мавзе, 18-уй, 7-хонадон эгаси 1912 йилда туғилган А. Мзокова ётиш олдириш шам ёқади ва ухлаб қолади. Шам омонат қўйилган ва ағдарилиб тушиб ёнгин чиққан. Ўт ўчирувчилар ёнгинни ўчириш пайтида А. Мзокованинг ёнган жасадини топилган.

Шу туманининг Ҳасанбой кўрғони, «Иттифок» кўчаси 38-уйда АГВ газ қурилмаси олдида кир қуритилгани сабабли ёнгин келиб чиққан. Натижада уйнинг томи ва бир қанча жиҳозлар ёниб, хонадонга 80 минг сўм зарар етказган.

Тошкент шаҳар «Ўқитувчилар» кўчаси, 39-уйда ҳам шундай ҳолат такрорланган. АГВ газ қурилмасининг ўтхонаси ёнида кўрпа, кўрпача ва ёстиқлар қуритилгани сабабли ёнгин келиб чиққан ва уй эгасига катта моддий зарар етказган.

Тошкент шаҳар, Дўстмухамедов кўчаси, 37-уйда электр симларининг қисқа туташуви натижасида ёнгин келиб чиққан ва уйнинг томи, шифти, дераза, эшиклар ёниб хонадон эгасига 30 минг сўмдан кўпроқ моддий зарар етган.

Ш. МУҲАММАДЖОНОВ,
ички хизмат подполковниги.

Боғдод тумани Ултарма қишлоғида яшовчи Сафо Аҳмедов хонадонидан ўтин ёқиб қиздириладиган иситиш печининг металл таглиги бўлмаганлиги сабабли печдан тушган чўғ бўлаги оғир оқибатларни узида мужассам этган ёнгиннинг содир бўлишига, натижада уйнинг томи, хоналар ички қисмларининг ёниб кетишига сабаб бўлган. Ёнгинни ўчириш пайтида хонадон сохиби Сафо Аҳмедовнинг куйган ҳолдаги жасади топилган.

Яккасарой тумани А. Қаҳҳор кўчасидаги Темир-

бетон заводи рўпарасида электр симларининг қисқа туташуви туфайли С. Байраманга тегишли бўлган ВА3-2101 русумли, Э 63-47 ТН рақамли автомашинада ёнгин содир бўлган ва катта миқдорда моддий зарар етказган.

Тахياتош шаҳар Н. Жапакова кўчаси 26-уй 2-хонадонидан яшовчи В. Иванов маст ҳолда сигарета чекиб ухлаб қолган. Сигаретанинг чўғи кўрпачага тушиб ёна бошлаган, бирин-кетин кўрпача, полга тушалган гиламларига ҳам утган. Натижада ёнгинда хонани тўлдирган тутун В. Ивановнинг димиқиб ҳаётдан қўйиб юмишига сабаб бўлган.

Иситиш печини ҳаддан ташқари қиздириб юбориш Янгиқўрғон тумани Шўркент қишлоғида иситикомат қилаётган М. Ваққосовнинг хонадонидан ёнгин содир бўлишига олиб келган. Ёнгин оқибатида уйнинг том қисми ёниб, 150000 сўм миқдорда моддий зарар етган.

Худди шундай иситиш печларининг носозлиги, уларни ишлатишда ёнгин хавфсизлиги қоида ва талабларига риоя қилмаслик натижасида Наманган шаҳрининг Иқбол кўчасида яшовчи М. Дадахонов хонадонидан, Мирзо Улуғбек тумани Хулкар 2-тор кўчаси, 8-уйда яшовчи Ф. Орифжоннова хонадонидан, Қушқўпир тумани, О. Жуманиёзов жамоа ҳужалиғида яшовчи А. Исмоилов ва яна бир қанча кишилар хонадонларида ёнгинлар содир бўлиб катта миқдорларда зарар етказган. Қолаверса ҳозирги иситиш воситаларига эҳтиёж ортган бир пайтда содир бўлаётган ёнгинларнинг ҳам ҳар 3 тадан 1 таси иситиш печларидан, электр иситиш мосламалари ва газлардан нотўғри фойдаланиш оқибатида содир бўлаётганлиги аниқ-равшан кўриниб қолмоқда.

Материалларни Р. АСЛОНОВ ва Ф. САЪДУЛЛАЕВАлар тайёрлашди.

БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН

Гулистон шаҳар ИИБ томонидан Ислам Бобомуродов қидирилмоқда. У 1973 йилда туғилган, Тошкент вилояти Оққўрғон тумани А. Икромов жамоа ҳужалиғида иситикомат қилган. Гулистонлик фуқаро М. Эргашеваникига меҳмонга келган ва унга тегишли бўлган яшил рангли «Дамас» русумли, давлат белгиси 12 А 78 93 бўлган автомашинани ҳайдаб чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 175-177 см, гавдаси ўртача, сочлари қора калта қилиб олинган.

Кийимлари: эғнида ёнги калта кўк «Адида» футболка, қора «Версачи» шим, оёғида жигарранг туфли бўлган.

Ислам Бобомуродовнинг кўрган - билганлар яқин ўртадаги милиция бўлинмасига хабар қилишларини сўраймиз.



ШАХСИ АНИҚЛАНМОҚДА

Марғилон шохбекати тармоқ ТИИБ томонидан 1995 йил 5 август куни Марғилон-Файзобод бекатлари оралиғида топилган эркак киши мурдасининг шахси аниқланмоқда.

Белгилари: ёши 55-60 ёшларда, бўйи 160 см, Осиё миллатига мансуб, соқол-мўйлови бор, оқ оралаган.

Алоҳида белгилари: мурданинг чап қўлидаги ўчта бармоғи бирлашиб ўсган, ўнг қўли бармоқлари ҳам бирлашиб ўсган, икки оёғи ногирон бўлиб, чап оёғи ўнгидан калта, ҳаётлигида қўлтиқтаёқ билан ҳаракатланган, воқеа жойидан қўлда ясалган қўлтиқтаёғи топилган.

Кийимлари: бошида қалампир нусха дўппи, эғни-

да қора чий бахмалдан тикилган тўн (чап елка қисмида ямоғи бор) оёғида хонада кийиб юриладиган шиппак, ёнида, 25 ва 100 сўмлик купюрадаги 1000 сўм пул бўлган.

Марҳумни таниганлар Марғилон шохбекати тармоқ ИИБга 37-78-02, 37-38-28, 37-38-48 телефонлар орқали хабар беришларини сўраймиз.

ҲАДДАН ОШИШНИНГ ОҚИБАТИ

Туйга туёна билан бо-риш азалий удумларимиз-дан. Туёнанинг катта-ки-чик, арзон-қимматлиги туй эгасининг яқин-йироқ қариндошлигига боғлиқ.

1998 йилнинг октябрь ойи бошларида Самарқанд вилоятининг Ургут туманидан Тожикистон республикасининг Регар туманида яшовчи қариндошлариникига туйга отланган фуқаролар Зиёдулло, Асадулло Саидкулов, Олтин Саидкулова, Турсункул ва Нормухомат Сафаров, Меҳрибон Тошевлар ҳам туёна олишда обдон маслаҳатлашиб, «курпаларига қараб оёқ узатдилар» — йиққан пулларини уртага қуйиб, мулоҳаза билан «Илҳом-жоннинг никоҳ туйи учун энг яхши совға — гилам ва палос, шуларни олсак, янги рузгорнинг бир камига ярайди» деган фикрга келдилар. Ургут бозоридан 3500 сумдан иккита «Бельгия» гилами ва 1750 сумдан бир жуфт палос харид қилиб, яхши ниятлар билан Самарқанд шохбека-тидан «Конибодом — Душанбе» поездига утирдилар. Лекин туйнинг шодлигини олдиндан ҳис қилиб, ширин суҳбат қуриб кетаётган бу улфатларнинг хотиржамлиги узоққа бормасди. Поезд Термизга келганда бекатта жойлашган 4-сонли божхона назир Сайфиддин Азимов вагонга чиқиб, юкларни текшира бошлади. У туйга кетаётганларнинг туёнасини кўрдию, феъли айниди: минг тавалло билан яли-

ниб-елворишларига, тушунтиришларига қарамай уларни юклари билан поезддан туширди ва божхонага олиб кирди. Тожикистоннинг Регар туманига кетаётганларини билгач эса умуман, гилам-палосларини олиб қолишни маълум қилди. Орадан анча вақт утгач, С. Азимов «инсофта келди» — 3. Саидкуловни олиб қолиб, бошқаларга жавоб берди. Ва ниҳоят, ҳоли вақт топиб, назир 3. Саидкуловга уз шартини, яъни бир дона «Бельгия» гилами билан 1000 сум пул берса, қолган нарсалари билан уни ҳам қуйиб юборишини айтди. Бироқ 3. Саидкулов кўпчилик бўлиб сотиб олинган нарсани уз жонини қутқариш эвазига «ҳали» қилишни хоҳламади. «Яхши, ақлинг киргунча шу ерда утиравер», таҳдид қилди назир.

Эртаси кун соат 11ларда С. Азимов Зиёдуллонинг ёнига келиб, «нима қилдик, менинг айтганларимга қунасанми ёки гилам-палосларингизни давлат ҳисобига утказиб юборайми» дея дуқ қилди. Битта гилам ва минг сум пул учун бошқа нарсаларидан ҳам айрилиб қолишига кузи етган 3. Саидкулов ноилоҳ нафсининг қули бўлган божхона назирининг талабини бажо келтириб, битта «Бельгия» гилами ва 1000 сум пул беришга мажбур бўлди. С. Азимов уларни олди ва ҳеч қандай ҳужжат тузмасдан, божхона қуригидан утказмасдан, Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 7 октябрдаги 372-Ф Фармойишини қупол равишда бузиб, 3. Саидкулов-

га қолган нарсаларини қайтариб берди...

Одатда еш болаларни «сени ажинага бериб юбораман»га ухшаш гаплар билан қурқитилади. С. Азимовга ухшаган айрим шахслар учун эса содда фуқароларни қурқитиш учун ишлатиладиган энг катта таҳдид: «молингни давлат ҳисобига утказиб юбораман» бўлиб қолибди. С. Азимовдек фуқаролар томонидан давлат қонуна-рига амал қилиниши ва қонунбузарликларнинг олдин олиши лозим бўлган айрим мансабдор шахсларнинг узлари юқоридагига ухшаш дуқтуписалар билан фуқароларни қурқитиб, жиноятга қул уриб турсалар, бошқалардан нимани кутиш мумкин?

Давлат қонуллари республикамызда истиқомат қилаётган фуқаролар учун баробар. Шундай экан, уларга буйсуниш — шу она заминда яшаётган ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир.

Туйга кетаётганлар бу ноҳақликдан норози бўлиб, бўлган воқеани руйроқ Республика прокуратурига ёзма равишда маълум қилдилар. Текширувлар жараёнида аризада курсатилган фактлар уришли бўлиб чиқди ва С. Азимовга нисбатан Узбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 410-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қу-зғатилди.

Сайфиддин Азимов қанчалик афсус-надомат чекмасин энди кеч: одолат тарозуси унинг жиноятини исботлаб, уз ҳукмини чиқарди...

А. МАМЕДОВ,
Транспортда қонулар ижросини назорат қилиш бўлими катта прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси.

— Алло, «02»ми? «Наманган-Косонсой» йулида номаълум шахснинг жасади ётибди... — дея хабар берди нотаниш киши.

Туман ички ишлар бўлимининг шахсий таркиби оёққа турди. Махсус гуруҳ воқеа жойига борганида тун ярмидан оққан эди.

Дастлаб воқеа жойи урганилди. У «Наманган-Косонсой» йуналишининг 27-километрида содир этилган. Йулнинг ун-г томонида одам жасади. Атрофда ҳеч кимса йўқ. Мурда олдида қандайдир сариқ шиша синиклари. Афтидан автомашинага тааллуқли. Жасад текшириб қурилганда ёнидан шахсини тасдиқловчи ҳужжат чиқди. У 1925 йилда туғилган фуқаро Эшонхон Парпиев экан.

Эрталабгача воқеа жойи синчиклаб урганилди. Жиноят ким томонидан содир этилганлиги тахминий фикрлашилди.

Ҳеч қандай гувоҳнинг йўқлиги қийинчилик туғдирарди. Шундай бўлса-да, муайян режа тузиб ишга киришилди.

...Эрталабки соат блар ДАНБ маъмурий амалиёт инспектори, милиция капитани Жаҳонгир Муродов билан биргаликда қидирув ишларини Косонсойнинг марказий кучасидан бошладик. Бошқалар ҳам қотилни қидиришга киришди.

Шу он қаршимизда

САРИҚ ШИША ПАРЧАСИ

йуловчи автобус пайдо бўлди. Унга туманга қарши сариқ чироқлар урнатилган эди. Ҳайдовчини тухтатдик.

— Кечирасиз, автобус қаерга қарашли? — деб сўрадик ундан.

— Автокорхонаники...

— Автокорхонадаги ҳамма автобусларда туманга қарши чироқлар борми?

— Ҳа... деярли ҳаммасида булиши керак.

Уша заҳотиёқ Жаҳонгир билан автокорхонага келдик. У ердаги қатор тизилган автобусларни бирма-бир қуриб чиқдик. Лекин биз қидиргани йўқ эди. Сўнг автокорхона масъулларини қақириб, бу корхонанинг автобуслари яна қаерда борлигини сўрадик.

— Тумандаги катта-ката ташкилотларга фойдаланиш учун берганмиз, — деди бош муҳандис. — Масалан, консерва заводи-га...

Биз барча маълумотларни олиб, биринчи галда «Консерва» очик турдаги ҳиссадорлик жамиятига келдик. Қатор тизилган автобусларга яқинлашдик. Шу пайт «ПАЗ-672» русумли, 03-66 НАМ давлат белгили автобус диққатимни тортди. Унинг ун-г томонидаги чироқ қо-

қоғи алмаштирилган, янги турибди. Чапидаги эса чангдан хиралашган. Олд томонида эзилган жойи ҳам бор.

Аввалига ҳайдовчи Мухторхон Иноятов мугомбирлик қилмоқчи бўлди.

— Кечкурун қаерда энгдингиз?

— Уйдайдим. Ишчиларни ташлаб туғри уйга келганман.

— Автобусдами?..

— Йўқ, уни шу ерда қолдирганман.

— Олд чирогини қачон алмаштирдигиз?

— Бир ҳафта бўлди.

Қоровулнинг олдига бориб, ундан «ПАЗ-672» 03-66 НАМ автобуси кечкурун соат неччиларда келганини сўрадик.

— Кечкурун келмади, — деди қоровул, — эрталаб ишчиларни олиб келганини кўрдим...

Тергов давомида М. Иноятов уз айбига тула икром бўлди. Фуқаро Э. Парпиевни қандай қилиб урганлигини руй-рост айтди. Аммо қилгиликни қилиб жабрланувчи-га ёрдам бериш лозимлигини минг афсуски, кеч англади.

Икромжон НИШОНОВ,
милиция майори.
Баҳодир ҲАМИДОВ,
журналист.



Суд залидан

Хўроз қуруқликда яшайди, ўрдак — сувда. Агар хўроз товукни қуйиб, ўрдак билан топишиб қолса унинг раъйига юриши, унинг кўнглини оламан, сув билан хурсанд қиламан деб, катагини қўл қилиб қуйиши керак бўлади...

Инсонни ҳаёт гултожи дейишади. Сабаби, унга бирорта ҳайвонот ва наботот вакилига ҳос бўлмаган тил, онг, тафаккур берилгандир. Лекин баъзи воқеаларни эшитиб, инсон — ҳаётнинг энг ваҳший мавжудоти дегинг келади.

Уша машъум воқеа содир бўлган кунни кечки пайт еттилар эди. 1989 йилда туғилган Фарруҳ кучага чиқиб уйнаб келишга онасидан рухсат сўради. Онаси ижозат берди. У орадан бироз вақт утиб деразадан қараганда ўгли пастда уйнаб юрарди. Онанинг кўнгли таскин топиб кечки овқатга уннаб кетди. Ниҳоят, кечки овқат ҳам тайёр бўлди, дастурхон ёзилиб, оила аъзолари Фарруҳни кута бошладилар. Бироқ ҳадеганда Фарруҳдан дарак булавермади. Шунда она дастурхонга таом тортиб, ўзи ўглини излаш учун отланди.

— Фарруҳнинг бунақанги ҳаяллайдиган одати йўқ эди, — деди у кўнгли гаш бўлиб.

Чиқиб, узим топиб келай...

Она ўглини кучадан тополмади, қўни-қўшнидан, таниш-билишдан суриштирди. Фарруҳни қурганлар:

— Уни яқинда кучада қўрган-дик, — дейишдан нари утишолмади. Шундан сўнг она қўзига ёш олиб, уйига кириб келди:

— Фарруҳ йўқолиб қолди. У ҳеч қаерда йўқ!

Ота ва оиланинг бошқа аъзолари ҳам Фарруҳни қидиришга тушдилар. Кириб чиқишмаган эшик, суриштирмаган қариндош-уруғ, таниш-билиш қолмади. Ниҳоят, наҳот излаб Қиёрай тумани Салор қўргони ички ишлар бўлимига мурожаат қилишди. Энди туман ИИБда тезкор-қидирув ишлари бошлаб юборилди.

Бола олти кун қидирилди. Фарруҳ рухсатсиз бир жойга бормайдиган бола, сувга тушган тошдай гойиб булганди...

Қидирувнинг олтинчи кунни. Бола яшайдиган қўп қаватли бинода истиқомат қилувчи С. Шомуродов телевизорнинг йиқилган

антеннасини тиклаш учун томга чиқди. Антеннани қутаргач, сим қидириб 6-подъезд чордоғига тушди. У ердан кўнглини ағдарувчи жуда ўткир бадбўй ҳид келар эди. С. Шомуродов нима ўлганикин, деб атрофга аланглади. Шу пайт чордоқнинг чеккасида устига газета ёпиб қуйилган нарсага кузи тушди. Юраги бексаранжом бўлиб газетани қутариб кўрди-ю, кўнгли баттар беҳузур бўлиб жойида қотиб қолди. Ҳаяжонланганидан оёқ-қули боғланган, бошига елим халта кийдирилган, кўкрагида қон қотиб қолган мурданинг кимлигини ҳам пайқай олмай пастга шошди. Зудлик билан қўрганларини бориб, Салор қўргони ИИБ бош-лиғига айтиб берди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари жасада бир неча кундан бери қидириладиган Фарруҳ Шералиев эканлигини аниқладилар. Суд-тиббий экспертизасининг хулосасига қўра, Ф. Шералиев ўткир тиг билан ўлдирилган, ундан аввал зўрланган.

Шу кунни туман, вилоят ИИБ ва прокуратураси ходимлари ишти-рокида тезкор гуруҳ тузилиб, қотил қидиришга бошланди.

Терговчиларнинг «Кимдан гумонингиз бор?» деган саволига марҳумнинг онаси Муяссар қўш-ниси Гулсара Журоевнинг но-мини тилга олди. Чунки...

Фарруҳнинг дадаси Акбар Шералиев Қиёрай туманидаги 5-ме-вачилик комбинатида бригадир эди. Гулсара унинг бригадасида ишларди. Икковлари ора-чора пинҳона учрашиб юрардилар. Уларнинг пинҳона учрашуви тез орада ошкор бўлиб, маҳаллада гап-сўз бўлиб кетганди. Буни Фарруҳнинг онаси Муяссар ҳам эшитган ҳамда Гулсарага ола қараб ҳақоратлаб юрарди.

Ўгли йўқолмасдан бурун ҳам у бир кун Гулсарани қуриб қолиб, тутқоқ пастга тушди:

— Ҳов, менинг эримни тинч қуясанми, йўқми?

— Мен эринг билан ҳеч қачон булмаганман, — дея жавоб берди Гулсара.

Шунда Муяссар уни уйига суд-раб кирди ва юзига икки шапа-лоқ урди. Буни қўрган қўшниси М. Покушин ва эри уларни ажра-тиб қўйдилар. Гулсара газаб билан чиқиб кетар экан, деди:

— Ҳали сенларга курсатиб қуя-ман!

Шундай қилиб, Гулсара Журоева «курсатиб қуйиш» режаси-ни тузиб юрди. Охири укалари Эргашев Фарҳод, Қахрамон ҳам-да таниши Бақит Анорбоевларни уйига қақирди.

— Мени Муяссар эрига рашк қилиб, қўшнилари олдида уриб, роса ҳақоратлади. Учимни олиб беришларинг керак сенлар! — де-ди у.

— Хўш, қандай қилиб?

— Уғилларидан бирини улди-расизлар, — деди Гулсара. — Шунда улар бир умр эслаб юри-шади ҳақоратлаш нима оқибат-ларга олиб келишини.

Гулсаранинг таклифига йигит-лар рози бўлишди. Шунда Гул-сара Бақитга қараб дейди: — Агар шу ишда қатнасанг, дуго-нам Тойгулдан олган 1500 сум қарзингни кечиртираман.

Қотиллар ваҳшийликка рози бўлдилар. Гулсара узидан гумон-ни соқит қилиш мақсадида Сир-дарё вилоятига туйга жунади.

Ёлланганлар эса маслаҳатни бир жойга қуйиб, Фарруҳни куч-чук олиб берамиз, деб алдаб том-га олиб чиқдилар. Чордоқда Фар-руҳнинг оёқ-қулидан ушлаб ту-риб, бошига елим халта кийди-ришди. Фарруҳ нафас ололмай ҳушидан кетди. Шундан сўнг уч қотил галма-гал ҳайвоний ҳирс-ларини қондиришди. Сунгра бо-ланинг жажжи оёқларини арқон билан боғладилар-да, буйнида-

ги чилвирни икки киши икки томонга қараб тортиб уни буга бошладилар. Фарҳод Эргашев эса ўзи билан олиб келган ош-хона пичогини унинг кўкрагига ваҳшийларча санча кетди. Фар-руҳ тулғана-тулғана ҳаётдан қу-з юмди.

Қотиллар мудҳиш ишни қи-либ бўлишгач, бафуржа уйга ке-тишди. Фарҳод ошпичоқни ювиб, тортмага солиб қўйди.

Улар эртасига, индинига Фарруҳнинг ота-онаси, қарин-дошлари, яқинлари, ҳуқуқни му-ҳофаза қилиш идоралари хо-димлари излаб юришганини қу-ришганда, ёпиқлик қозон ёпи-лигича қолди, деб калта ўйлаш-ганди. Бироқ ундай бўлиб чиқ-мади. Қўп утмай ички ишлар ходимлари Фарруҳнинг жаса-дини топишди, ундан кейин эса ушбу мудҳиш ишга қўл урган-ларни қўлга олдилар.

Фарруҳнинг аянчли улими нафақат Салор қўргонида, бу-тун вилоятда яшовчиларни ҳая-жонга солди. Ниҳоят, бу жи-ноятчилар одил суднинг қора курсисига ўтқазилдилар. Уни Тошкент вилоят судининг судьяси Д. Иброҳимов олиб борди ва қотиллар айбларига яраша жазога тортилдилар.

Хўш, уч олувчилар бу билан нимага эришдилар? Гулсара Журоевани ун беш йил, тани-ши Бақит Анорбоев — йигир-ма, укаси, ҳали вояга етмаган Қахрамон Эргашев ун йил қа-моқ жазоси, Фарҳод Эргашев эса энг олий жазога — улимга ҳукм қилинди. Қўзини қур, мия-сини қарахлаган газаб, адо-ват, мана нима оқибатларга олиб келди.

Мурод ТИЛЛАЕВ.

"Эл-юрт осойишталиги
химоясида" танловига

Сирожиддин САЙИД

СИЗНИНГ ШАЪНИНГИЗ

Қўлга олмоқ-чун бир юлғич, қаллобни,
Ёки бир муттаҳам, йғри, каззобни,
Сизга матонатдан илдизлар керак,
Қанчалар кечаю кундузлар керак.

Мен-ку шеърим узра озиб-тўзарман,
Бугун ёзмасам гар эрта ёзарман.
Сиз бир қабоҳатни этмоқ-чун ошкор
Қанча тунларингиз кечгайдир бедор.

Чой узра хотиржам йй суриб, сурмай,
Ўғил-қизингизни гоҳ кўриб, кўрмай,
Бир зум уйқусида боқиб кетасиз,
Ҳали уйга кирмай чиқиб кетасиз.

Сизга сокингина тонг бошламоқ ййқ,
Болишга бемалол ёнбошламоқ ййқ.
Ташвишли ҳар хату хабар ичрасиз,
Ҳамиша хавф ила хатар ичрасиз.

Шараф деган сўзга шон берган ҳам сиз,
Тинчлик замонида жон берган ҳам сиз.
Токи яшар экан журму жаҳолат,
Сизга ором бўлмас, бўлмас ҳаловат.

Шул сабаб энг гўзал дил сўзларини,
Осмоннинг энг ёрқин юлдузларини,
Сизнинг шаънингизга ўқилсин дейман,
Сизнинг елкангизга тўқилсин дейман.

MUNAJJIMLAR BASHORATI 1-7 февраль

КҮЙ (21 март – 20 апрель)



Ушбу ҳафта давомида сизга тақдир кулиб боқмайди. Қариндошларингиз билан келишмовчиликлар, иш жойингизда эса кўнгилсизликлар бўлиши, бунинг устига саломатлигингиз билан боғлиқ муаммолар юзага келиши кутилмоқда. Бундай ҳолат шанба кунгача давом этади.

СИГИР (21 апрель – 21 май)



Сешанба – молиявий жиҳатдан омадли кундир. Чоршанба кунги ишбилармонлик учрашувлари ва музокаралар муваффақиятли якунланади. Пайшанба кунги жароҳат олишингиз мумкин. Ўзингизга яқин кишилар билан шанба кунги мулоқот кутилмоқда.

ЭГИЗАКЛАР (22 май – 21 июнь)



Душанба кунги бироз ишингиз юришмайди. Пайшанба кунги ҳаётингизни яхши томонга ўзгартириши мумкин бўлган имкониятдан фойдаланинг. Дам олиш кунлари олисдан хушхабар кутинг.

ҚИСКИЧБАҚА (22 июнь – 23 июль)



Агар сизга янги режа тузишда иштирок этишни таклиф қилишса сира иккиланмай рози бўлинг. Чоршанба кунги саломатлигингиз билан боғлиқ муаммо безовта қилиши эҳтимолдан холи эмас. Пайшанба, жума кунлари моддий аҳволингиз яхшиланади.

АРСЛОН (24 июль – 23 август)



Душанба кунги қувончли хабарлар эшитасиз. Ижодий ишларни бажариш учун сешанба кулай кундир. Жума кунги эски қадрдонингиз ўзидан хабар беради. Шанба кунги севги эҳтиросларидан юрагингиз жунбушга тушади.

БОШОҚ (24 август – 23 сентябрь)



Ушбу ҳафтанинг биринчи ярмида ишларингиз юришади, яқинларингиз билан муносабатларингиз яхшиланади. Пайшанба кунги эса саломатлигингиз ёмонлашиши эҳтимолдан холи эмас. Дам олиш кунлари осойишта ўтади.

ТАРОЗИ (24 сентябрь – 23 октябрь)



Сешанба кунги кутилмаган янгиликдан воқиф бўласиз. Чоршанба кунги кулай тадбирда иштирок этишни таклиф қилишади. Жиддий ўйлаб кўринг. Шанба кунги ғаройиб саргузаштни бошингиздан кечирасиз. Ушбу ҳафтада моддий аҳволингизнинг яхшиланиши кутилмоқда. Аммо сарфхаражат бобида тежамкор бўлишингизни маслаҳат берамиз.

ЧАЁН (24 октябрь – 22 ноябрь)



Мазкур ҳафтанинг бошида ишга жуда ҳам берилмасликни маслаҳат берамиз. Пайшанба кунги пул ишлаб олиш имконияти бор. Дам олиш кунлари фаол ҳордиқ чиқарсангиз бу келгусидаги баракали меҳнат учун замин яратади.

ЁЙ (23 ноябрь – 21 декабрь)



Душанба кунги қариндошларингиз билан келиб чиқадиган жанжал кайфиятингизга таъсир кўрсатади. Чоршанба кунги ишингиз юришиб кетишида катта аҳамият касб этувчи маълумотни қўлга киритасиз. Якшанба – ажойиб даврада кўнгилли ўтади.

ТОҒ ЭЧКИСИ (22 декабрь – 20 январь)



Ушбу ҳафтанинг бошида соғлигингиз панд беради. Пайшанба кунги баракали меҳнат қиласиз, жума кунги эса моддий аҳволингиз яхшиланади. Дам олиш кунлари асосий вақтингиз йўлда ўтади.

КОВҒА (21 январь – 19 февраль)




Чоршанба кунги молиявий аҳволингиз яхшиланиши учун янги имкониятлар пайдо бўлади. Яқин кишингиз билан суҳбатга жума кунги вақт ажратганингиз маъқул. Шанба кунги керакли жиҳозни харид қиласиз.

БАЛИҚ (20 февраль – 20 март)



Душанба кунги дўстларингиздан хушхабар эшитасиз. Ижодий кўтаринкилик сешанба ва чоршанба кунлари баракали меҳнатни кафолатлайди. Севган кишингиз билан шанба кунги кутилаётган жанжал муносабатларингиз ҳақида жиддий ўйлаб кўришга мажбур қилади.

КРОССВОРД



ЭНИГА: 1. Шарқ халқларининг мумтоз, мутафаккир шоири "Нукот" ("Ҳикматли сўзлар") фалсафий асар муаллифи. 3. Сабзавот экини. 6. Транспорт тури. 10. Ўзбек мумтоз шоираси. 11. Маҳсулот айрибошлаш билан амалга ошириладиган тижорат. 14. Чимкент вилоятидаги дарё. 15. Хонадонда қафасда боқилиб кўпайтириладиган сайроқи куш. 17. Бадий ижод соҳаси. 20. Узум нави. 21. Бирор киши, ташкилот номидан иш кўриб, унинг манфаатини химоя қилувчи шахс. 23. Майизбоп узум нави. 26. Шеъринг тўплам нашри. 27. Ғоят катта, улкан. 28. XVI аср италян файласуф шоири. 29. Маълум ишни амалга ошириш учун аввалдан бериладиган маблағ. 30. Афсонавий куш. 32. Газсимон модда. 33. Африкада яшовчи маҳаллий халқ вакили. 34. Юнонистондаги энг баланд тоғ. 36. Маълум масофадан туриб

ҳабарлашиш, боғланиш воситаси. 38. Бўяш ашёси. 39. Мамлакатимиздаги вилоят. 42. Клавишли мусиқа асбоби. 46. Мумтоз шоир "Ҳапалак" асари муаллифи. 47. Ўта донолик билан айтилган ибратли сўз. 48. Ўрдаксимонлар туркумига мансуб йирик сув паррандаси. 49. Кимёвий модда. 50. Бозорлардаги дўконлар қатори.

БҮЙИГА: 1. Маҳсулот, валюта ва қимматбаҳо қозғоларни айрибошлаш, ҳисоб ва маълумот хизматларини амалга оширувчи акциядорлар жамияти. 2. Осиёдаги мамлакат. 4. Қўлда тўқилган ип газлама. 5. Польшадаги шаҳар. 6. Америка адаби, ҳажвий ва саргузашт асарлар муаллифи. 7. Ижодий ғайрат жўш урган ҳолат. 8. Пардақанотли хашарот. 9. Висла дарёси бўйидаги порт шаҳар, маъмурий марказ. 12. Қурилма бўлақларини мустаҳкамловчи қисм. 13. Йил даври.

16. Бирор мамлакатда яшовчи халқ, фуқаро. 18. Андижон вилоятидаги шаҳар. 19. Тошкент шаҳридаги туманлардан бири. 22. Юк ташишда фойдаланиладиган анжом. 23. Асосан Покистонда яшовчи халқ. 24. Арава тури. 25. Маълум ишни амалга оширишдан аввал тузиладиган қирим-чиқим ҳисоби. 31. Ўтмишдан қолган меъморлик ёдгорлиги. 34. Дераза кўзларига ўрнатиладиган ашё. 35. Қоннинг суяқ таркибий қисмини ташкил қилувчи модда. 36. Дунё қитъаси. 37. Қадимда шарқ мамлакатларига берилган ном. 38. Аҳборот воситаси. 40. Патлари қора кўчманчи куш. 41. Осиёдаги давлат пойтахти. 43. Тиниш белгиси. 44. Хизмат, бажарилган иш учун тўланадиган ҳақ. 45. Африкадаги давлат.

Тузувчи: **Фозилжон ОРИПОВ.**

ГАЗЕТАМИЗНИНГ 22 ЯНВАРЬ СЕНИДА ЧОП ЭТИЛГАН ЧАЙНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

1. Она. 2. Армон. 3. Насиҳат. 4. Тариқ. 5. Қипиқ. 6. Қарға. 7. Алла. 8. Асал. 9. Лаззат. 10. Тўфон. 11. Насиба. 12. Ақиқа. 13. Анор. 14. Регистон. 15. Нуксон. 16. Нон. 17. Ниначи. 18. Иқон. 19. Нақш. 20. Шогирд. 21. Далил. 22. Лат. 23. Тил. 24. Ливия. 25. Ягона. 26. Аттор. 27. Ривоят. 28. Таржимон. 29. Новвос. 30. Сана. 31. Аттанг. 32. Гувоҳ. 33. Ҳақиқат. 34. Таажуб. 35. Баҳаво. 36. Омоч. 37. Чоштоҳ. 38. Ҳирот. 39. Ташаббус. 40. Судхўр. 41. Расул. 42. Латофат. 43. Товуқ. 44. Қилич. 45. Чилла. 46. Аскар. 47. Робия. 48. Янтоқ. 49. Кўчкор. 50. Рамазон. 51. Низом. 52. Муаллим. 53. Муассаса. 54. Атала. 55. Адвокат. 56. Танбал. 57. Лом. 58. Машраб. 59. Боткин. 60. Низомий. 61. Йўқлов. 62. Варрак. 63. Котиб. 64. Бепоеён. 65. Нақлиёт. 66. Тупроқ. 67. Қўра. 68. Аполло. 69. Оқсоқол.

Ромбик ичидаги сўзлар:
Оға-ининг тотув бўлса от кўп,
Опа-синглинг тотув бўлса ош кўп.

Шакл атрофидаги:
Илм кўп-у, умр оз,
Керагин ол-у, тошга ёз.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР 139-77-23

Ўзбекистон Республикаси ИИБ "Қўриқлаш" Бирлашмасининг милиция бўлинмасига милиционер лавозимига 30 ёшгача бўлган, ҳарбий хизматни ўтаган, бўйи 170 смдан кам бўлмаган, Тошкент шаҳри, Тошкент вилоятининг Янгийул шаҳри ва Тошкент, Қибрай, Зангиота туманларида истиқомат қилувчи Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган йигитлар доимий хизматга таклиф қилинади.

Қабул танлов асосида амалга оширилади:
Қабул вақти чегараланмаган. Бўлинма ходимларига ИИБ Академияси ва бошқа олий, ўрта-маҳсуе ўқув юрларига кириш учун йўлланмалар берилди.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Наврўз кўчаси 66/5, тел: 139-46-72. Мўлжал "Космонавтлар" метро бекати, Республика болалар кўғирчоқ театри рўпарасидаги бинонинг 1-чи қавати.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ҳузуридаги "Қўриқлаш" Бирлашмасига шаҳодатланган лавозимларга рассом, сураткаш ва видеотасвирчи лавозимларига, шунингдек, шаҳодатланмаган котиба-машинистка лавозимга 21-28 ёшлардаги йигит ва қизлар ишга таклиф қилинади.

Мурожаат учун телефонлар:
136-77-75. 133-21-67. 139-78-19.

Манзил: Тошкент ш, Бобур кўчаси, 60 а-уй, "Қўриқлаш" РБ

Қашқадарё вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби ҳамда Ўзбекистон Республикаси ИИБ Бирлашган таҳририяти жамоаси вилоят ИИБ матбуот гуруҳи катта нозир, милиция майори Ўроз Ҳайдаровга падари бузруквори

Ҳайдар бобо ШУКУРОВнинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдирадilar.

Булуғур тумани ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби ИИБ участка вакили, милиция капитани Р. Ражабовга онаси

Тошбуви РАЖАБОВнинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдирадilar.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Бирлашган таҳририяти

МАНЗИЛИМИЗ:
700029,
Тошкент,
Юнус Ражабий
кўчаси, 1

Газета ҳафтанинг
жума кунлари чиқади.

**Бош муҳаррир
Зокир АТАЕВ**

Нашир учун масъул

Эркин САТТОРОВ
(Бош муҳаррир
ўринбосари в.б.)

Навбатчи:
С. ШАМСИДИНОВ.
Мусахҳихлар:
Н. Султонова
Г. Холиқова
Саҳифаловчи:
М. Насретдинова

ТЕЛЕФОНЛАР:
Бош муҳаррир — 139-70-40,
пейжер: (088) 15-55
Бош муҳаррир
ўринбосари — ... 139-77-23,
пейжер: (088) 24-16
муҳбирлар
бўлими 139-75-69.
Факс: 54-37-91.

Газета тарқатиш масалалари
буйича мурожаат учун:
тел.: 139-70-40,
факс: 54-37-91,
пейжер: (088) 36-97.

Бизнинг ҳисоб рақамимиз:
Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки
Тошкент шаҳар Бош
бошқармаси ҳисоб-китоб —
касса марказида:
21506000200447980001,
МФО 00014.

- Кўчириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт.
- Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар, шунингдек, очик эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.
- Муаллифнинг мулоҳазаси таҳририят фикрига мос тушмаслиги мумкин.
- Қўлэмалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

**Газета
ИВМ компьютерида
терилди ва
саҳифаланди.**

Рўйхатдан ўтиш
тартиби № 00007.
Буюртма Г — 025.
Ҳажми — 4 босма табоқ.
Босилиш — офсет усулида.

Босишга топшириш
вақти — 19.00.
Босишга
топширилди — 18.00.

Обуна
рақами — **180**

123462 нусхада чоп
этилди

**«ШАРҚ»
нашриёт-матбаа
концерни босмаҳонаси.**
Қорхона манзили:
**Буюк Турон кўчаси,
41-уй.**

1, 2, 3, 4, 5, 6.